

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 20 (1084) • 2016-yil, 13-may, juma

ХОТИРА

Ўтмишни келажак билан боғламоқ демак

➤ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Миллатнинг барҳаётлиги, келажаги, маънавий-ахлоқий мавқеи унинг ўтмиш тарихи билан боғлиқ уйғоқ хотираси, улуғ аждодлари қолдирган илмий-маънавий меросга муносабати, бу бебаҳо хазинадан бахрамандликка боғлиқ. Тарих сабоқларидан, миллий ва диний қадриятларидан, урф-одат ва анъаналаридан жудо қилинган халқ, шубҳасиз, таназзулга юз тутайди. Мозийда ҳам, яқин ўтмишда ҳам бунга мисоллар кўп.

Миллий хотира бизнинг олис тарихдан хабардорлигимиз, аллома аждодларимиз ўнгитларига амал қилишимиздан келиб чиқади. Ўтмишнинг бугун ва келажак билан боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириши, эзгу амалларга пойдевор бўлиши, янги авлод тарбияси, улар дунёқарашининг тўғри шаклланиши ҳақида фикр юритилганда мана шу уйғунлик кўзда тутилади. Тарих унутиб бўлмайдиган ноёб хотира, аждодларнинг ибратли ишларини эслаш, тарихий воқеа-ходисалардан тўғри хулоса чиқариб яшаш, ўтмишни келажак билан боғлаш деганидир.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида босиб ўтган ўтмиш тарихини, озодлик учун курашлари саҳифаларини чуқур ўрганиш, улуғ бобокалонларимиз ҳурматини жой-жойига қўйиш, ёш авлодни улар билан ҳақли равишда фахрлини руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берди. Бу эътибор миллий истиқлол ғоясининг, маънавий тарбиясининг, ёш авлод қалбида ватанпарварлик, она Ватанга садоқат, аждодлар

хотирасига, ота-онага, устоз-мураббийларга ҳурмат руҳини шакллантиришнинг бош мақсадига айланди, юртимиз тинчлиги ва раънақи йўлида фидокорлик қилган, ҳалол меҳнати билан эл-юртда ҳурмат-эътибор қозongan табаррук кексаларни ҳар жихатдан эъозлаш миллий қадрият даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши ва ҳар йили ушбу сана умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлини бунинг ёрқин далилидир. Байрам тадбирларида халқимиз бугунги ёруғ ва фаровон кунларга етказганига шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва оёсайишталлиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун жангу жадалларда жон олиб, жон берган ватандошларимиз хотираси олдида бош эгиди. Бугун ҳаёт бўлган, истиқлол самараларидан бахраманд бўлаётган, бой ҳаётини тажрибаси билан ёш авлодга ҳар жихатдан ўрнак бўлаётган уруш қатнашчиларининг ҳурматини жойига қўйди.

3 ➤



ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ —

ёшлар маънавиятини салбий таъсирлардан ҳимоялаш омили

➤ ДАВРА СУҲБАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида "Интернет тармоқларидан фойдаланиш маданиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус касб-хунари таълими маркази, Республика маънавият тарғибот маркази, А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ахборот ресурсе маркази масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари ва

оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раиси Н.Умаров ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, фракция аъзоси А.Шодмоновлар бугунги глобаллашув жараёнида инсон

маънавиятига қарши йўналтирилган ахборотлар, уларнинг салбий оқибатларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш, интернетдан ахборот олиш, ахборот алмашиш борасида тизим яратилганлиги ҳамда ахборот хуружларининг ёшлар ҳаётига таъсири ҳақида сўз юритишди.

Давра суҳбатида ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган энг муҳим вазифалар ҳақида сўз борар экан, бунда ёшларимизда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, уларни ғоявий-мафкуравий таъжовулардан ҳимоялаш механизмларини такомиллаштириш масалалари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Хусусан, ёшларда интернет тармоқидан фойдаланганда маданият ва ахлоқ меъёрларига риоя қилишни, мафкуравий иммунитетни

кучайтириш, хусусан, интернет тармоғига ахборотни жойлаштириш, тарқатиш, излаш, фойдаланиш каби хусусиятларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва интернет маданиятини мукаммал ўзлаштиришларини ҳамда бу борадаги тегишли ҳуқуқий ва ташкилий тавсияларни янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди. Ёшларни нафақат янги технологиялар бўйича ўқитиш ва улардан фойдаланиш қобилиятини шакллантириш, айни чоғда ана шундай технологияларни яратиш ва таъжовулардан ҳимоялаш механизми ва ташкилий тавсияларни янада такомиллаштириш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бир сўз билан айтганда, дунёда кечаётган мураккаб жа-

раёнлар барчамиздан ёшлар тарбиясига янада эътиборлироқ бўлишни тақозо этмоқда. Бу жараёнда эса нафақат давлат ташкилотлари ёки таълим муассасалари, балки ННТлар ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши бугунги кун талабидир.

Тадбирда мазкур масала юзасидан сўзга чиққанлар глобаллашув даврида ахборотлар оқими боис ёшлар кенг билимга эга бўлибгина қолмай, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларга дуч келётганликлари, уларни ахборот хуружларидан асраш борасида катта ёшдагиларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтишди.

2 ➤

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги ортган сари маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасидаги масъулият ҳам кучаймоқда. Бугун сайловчилар орасига кириб бормаган, фуқаролар билан ҳамнафас бўлишга интилмаган халқ вакили элнинг ишончини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда бу институт энг ишончли ва кучли жамоатчилик идорасига айланиб бораётганини таъкидлаш жоиз.


Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Депутатлик гуруҳи 8 нафар депутатни бирлаштирган ҳолда вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларда фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан ҳудудларда ҳал этилиши лозим бўлган қатор долзарб масалалар ўрганилиб, депутатлар фаол муносабатларини билдираётгани эътиборга молик. Шу билан бирга, фаолиятга танқидий нуқтаи назардан ёндашиб ишлаш ҳам назардан четда қолмапти.

Шу ўринда бир мисол. Ўтган 2015 йилнинг биринчи чорагида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига атиги 8 та депутатлик сўрови киритилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 26 тани ташкил этди. Уларнинг аксариятида партиямиз Сайловди дастурида белгиланган йўналишлар асосида тиббиёт, таълим соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, саноатни ривожлантириш, коммунал хизмат сифатини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадлари кўзда тутилган.

2 ➤

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИШЛАНМАЛАР

намоиш этилди



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви таъминлаш, олимлар, илмий ходимларнинг ишланмалари, ғояларини кенг жамоатчиликка намоиш қилишга хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси томонидан ташкил этилган жорий йилги ярмаркада 650 та янги, импорт ўрни босувчи, экспортга йўнал-



тирилган, ресурс тежовчи, экологик хавфсиз ва бошқа турдаги ишланма ва лойиҳалар тақдим этилди.

— Ярмаркада бир қанча лойиҳа, ишланмалар билан иштирок этмоқдамиз. — дейди ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий ходими Марғуба Режапова. — Масалан, мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган соя-

нинг "Сочилмас" нави кўпчилик иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Маълумки, сояни қайта ишлаш натижасида оксил, ёғ, кунжа ра маҳсулотлари олинади. Бугун дунёнинг кўп қисмида давлатларида озик-овдат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида соядан унумли фойдаланилади. Турли витаминларга бой ҳамда инсон организмда синтезланмайдиган

ган ёғ кислоталарига эга соянинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унинг уруғ қисмида шаклланадиган азотли тугунча ер, тупроқнинг сифатини, унумдорлилик даражасини оширади ва бу эса соя экилган майдонда алмашлаб етиштирилувчи маҳсулотнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

7 ➤

➤ МУЛОҚОТ

ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИ АМАЛДА

Пойтахт вилоятининг Ўртачирчиқ туманидаги "Адолат" маҳалласида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан "Инсон манфаатлари ва қонун устуворлиги — фаолиятимиз асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Тошкент вилоят партия кенгаши, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси масъул ходимлари, тумандаги бир қатор ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этишди.

7 ➤

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ —

ёшлар маънавиятини салбий таъсирлардан ҳимоялаш омили

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Лаиз БУРАНОВ,
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказининг интернет маданиятини ривожлантириш бўлими бошлиғи:

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жамиятнинг турли жабхаларига жорий этиш борасида кенг қўланиш ишлар амалга оширилмоқда. Кўрсатилган хизматлар тури кенгайиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Натижада юртимизда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони қарийб 15 миллионга етди. Интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилиб, тармоққа уланиш тезлиги 1,5 марта ортди.

Бунинг натижасида мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ахборот ресурслардан, жумладан, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгаймоқда. Таълим соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг қўлланилаётгани эътиборга молик. Бу навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда муҳим омили бўлмоқда.

Миллий ахборот мақодини бойитиш ва тўлдириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, таълим, илм-фан, маданият ва маърифат соҳаларининг барча жабхаларини қамраб олувчи таълим ва ёшлар йўналишидаги кенг қамровли ахборот ресурсларидан иборат “ZiyoNET” ягона ахборот тармоғи яратилган, ахборот-кутубхона таъминотини ташкил этиш бўйича фаолият доирасида долзарб ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти ташкил этилмоқда.

Шунга қарамай интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётди. Яъни, глобал ахборот мақомига теран кўз билан қарасак, унда мавжуд барча ахборотларни ҳам фойдали ва беизён деб бўлмайди. Хусусан, айни пайтда интернет тармоғида ўз жонида қасд қилишни осон йўллари тарғиб қилувчи тўққиз минг, порнографик мазмунга эга тўрт миңдан зиёд сайтлар, шунингдек, зўравонлик ва ёвузлик руҳидаги компьютер ўйинлари борки, улар миллий кадрларимизга зид ва ёш авлод тарбиясига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Албатта, мамлакатимизда бу каби салбий омилларнинг олдини олиш чоралари кўрилмади. “ZiyoNET” тармоғига тегишли ахборот ресурсларини таснифлаш Миллий рейтинг тизими дастурий таъминоти орқали мониторинг ўтказилиши жараёнида миллий анъана ва кадрларимизга хилоф бўлган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи беҳаё ҳамда порнографик, шу билан бир қаторда, инсон организмининг жисмоний ёки руҳий бузилиши ҳолатини келтириб чиқариши эҳтимоли бўлган материаллар тарқатувчи веб-сайтлардан фойдаланиш, излаш ҳолатлари аниқланди ва дастурий ёрдамда ушбу веб-ресурсларга кириш чегаралаб қўйилди.

Аммо бугун интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмаслиги барчамизга аён. Шундай экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланиётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Ёшларимизнинг интернет манбаларидан фойдаланиш ҳолатига назар солидиган бўлсак, уларнинг аксарияти “odnoklassniki.ru”, “facebook”, “telegram” каби хорижий ижтимоий тармоқларнинг доимий фойдаланувчилари эканлиги кузатилади. Миллий домендаги doira.uz, vsetut.uz, odno-klassniki.uz, sindosh.uz, mulqot.uz каби сайтларда рўйхатдан ўтганларнинг барчасини жамлаганда ҳам уларга етмайди. Демак, бу ҳолат миллий сайтларимизни ёшлар учун жозибador, мазмунли, савияли, кизикarli килиб яратиш масаласига жиддий эътибор қилишга ундайди.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқларини кенгайтириш ва интернет журналистикасини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган роляларни ҳаётга таъбиқ этиш орқали соҳага оид бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, айни пайтда ёшларни тарғиб ахборот оқимларидан ҳимоялаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Бу бўйича қандай ҳуқуқий механизмлар мавжуд, деган ўринли савол туғилади. Халқаро амалиётда “Кибер жиноятлар тўғрисида” Конвенция, “Воёга етмаганлар учун хавфсиз интернет ва он-лайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида”ги Европа Иттифоқи парламенти ассамблеясининг тавсиялари, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” БМТ Конвенцияси, “Ёшларни ҳимоялаш тўғрисида” Германия, “Воёга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида” Литва ва “Болаларнинг соғлиги ва ривожланишига зид бўлган ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида” Россия Федерациясининг қонунларини тилга олиш мумкин.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бўшишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар ман этилиши, “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонунда порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон кадр-қимматини тахирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда

фильмларни намойиш этиш тақиқлашни белгилаб қўйилган. Умуман, бугун ахборот мақомидаги реал воқеалардан келиб чиқиб, кенг жамоатчиликнинг манфаатларини рўйбга чиқариш мақсадида ёшларимизни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш масаласини тарғибга солувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш долзарб масалага айланмоқда.

Қолаверса, соҳага доир қонун ҳужжатларининг жойларда самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатимиз талаб этилади.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловоти дастурида ҳам мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида эканлиги эътироф этилган. Шундай экан, биз фарзандларимизнинг ҳар томонлама, шу жумладан, маъна соғлом бўлиб воёга етишлари учун қайғураемиз. Дастурида назарда тутилганидек, дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни интернетнинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишимиз зарур. Бунинг учун, энг аввало, таълим тизимида улар билан мунтазам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз ва бу ишларни ташкил этишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланишимиз лозим.

Албатта, бу борда партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик гуруҳларимиз томонидан маҳаллалар, таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ижтимоий ҳамкорларимиз билан биргаликда партияимизнинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” ахборот доирасида “Биз вайронкор ғояларга қаршимиз!” шiori остида ёшлар ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, маънавий таҳдидлар, “оммавий маданият”, диний экстремизмнинг таъсиридан ҳимоялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ақциялар,

давра суҳбатлари, учрашувлар, марафонлар, кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, биз ёшларнинг қизиқишларини ишончланган ҳолда интернет тармоғида уларга хорижий ижтимоий тармоқлар ва форумларга мубокиб равишда ишлаб чиққан forum.adolat.uz миллий мулоқот майдонимизнинг фойдаланувчилари сафи кенгайиб бормоқда. Ушбу форум орқали иштирокчиларга юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ислохотлар жараёнига ўз муносабатини билдириш, долзарб масалалар устида фикр юритиш, ечимини кутаётган муаммоларни ўртага ташлаш имконияти яратилган.

Шунга қарамай бу борда ҳали амалга оширишимиз зарур бўлган вазифалар талайгина. Хусусан, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий онгли янада юксалтириш, уларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларини билиш, уларга қатъий амал қилиш қўнимасини ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини мунтазам равишда ошириб бориш ва жойларда маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш долзарб масаладир.

Қолаверса, ёшларимизни интернет ресурсларидан тўғри фойдаланишга, маънавиятимизга, одоб-ахлоқимиз ва урф-одатларимизга, кадрларимизга зид бўлган ахборотларни инкор этишга, ёмон ва яхши ахборотни ажрата олишга ундаб, уларда ахборот олиш ва таҳлил этиш маданиятини мунтазам шакллантириб боришимиз зарур.

Давра суҳбатига соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштириш, воёга етмаганлар ва ёшлар томонидан интернетдан хавфсиз фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, технологик усулларини жорий этиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илёс САҲАТОВ,
«Adolat» мухбири

ОРЗУЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРАЁТГАН авлодлар

➤ МУНОСАБАТ

Тинчлик, эрк ва озодлик учун жангга кирган халқимизнинг буюк ўғлонлари кўрсатган жасоратлар бизга тарихдан маълум.

Аммо уруш ўз номи билан уруш. Ундан ҳамма ҳам омон қайтган эмас. Бундан етмиш бир йил аввал Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтган, бугун биз билан ёнма-ён яшаётган тирик тарих, тирик афсонага айланган муътабар қарияларимизнинг борлиги қувонарлидир. Улар билан хонадонларимиз нузли, файзли-фаришталидир.

Айни кунда юртинг кўрки бўлган бу инсонлар урушдан кейинги ҳаётни бебаҳо неъмат билиб, ҳар лаҳзанинг қадрига етиб яшаётган дуоғўйларимиз, муътабар қарияларимиз зинрати ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Уларни суҳбатга тортишимизда ўша машғум кунларни чуқур хўрсиниш ва изтироб билан эслашди, оғир кунларда бошидан ўтказган қийинчиликлари ҳақида сўзлаб, бугунги дорилмон кунларга шукроналар айтишди.

Фашизмга қарши урушда мардона жанг қилган, оғир машаққат ва мусибатларни бошдан кечирган ушбу қаҳрамонларнинг дил битикларини кейинги авлодларга етказиш, халқимиз асрлар давомида орзу қилган эркинлик учун ўз жонини қурбон қилганлар хотирасини хашиша ёд этиш биз, ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу масалага алоҳида тўхталиб, “Жанг майдонларида Ватан учун, бугунги ва эртанги авлодларнинг ёруғ кунларга етиши учун жон берган, ўзини фидо этган инсонлар хотирасини ёдга олсак, бугун ҳаёт бўлган фахрийларимизга қанча ҳурмат-эҳтиром ва эътибор кўрсатсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз”, — деган сўзлари бизни жуда руҳлантирди.



Хотира ва қадрлаш қунини ҳар йили кенг нишонлаш маънавиятимизнинг ажралмас бўлагига айланади. Ҳар бир вилоят марказларида бунёд этилган Хотира майдонлари биз учун энг муқаддас қадимжолар ҳисобланади. Бугун оила кураётган келин-куёвлар ҳам ушбу маскани зинбат қилмоқдалар. Бу, ўз навбатида, юртимиз тинчлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимизнинг тарихий хотираси боқийлигидан, авлоддан-авлодга сақланиб қолишдан далолатдир.

Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталикни кўз қорачигимиздек асраб-авайлаш, мустақилликнинг улғун неъматлари, чексиз имкониятларнинг қадрига етиш, бу йўлда доимо хушёрлик ва огоҳликни, маъсулиятни ҳис этишимиз зарурлигини янада теран англадик.

Фарход ИШАНКУЛОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудир

ТИНЧЛИК ҚАДРИ

➤ ДИЛ СЎЗИ

Юртбошимизнинг Хотира ва қадрлаш қуни журналчиларга берган интервьюсини тинглаб, урушдан кейинги болаликнинг оғир кунлари бирма-бир кўз олдимдан ўтди.

Урушдан омон қайтиш бир қанча ҳамқишлоқларимизга насиб қилган. Бироқ уларнинг урушдан орттириб келган қалб жараҳати ҳамон битмаган.

Бу азиз инсонлар 20-ғоҳида уруш фожиалари ҳақида, қуролдош дўстлари, аскариликка бира кетган ҳамқишлоқларидан бирин-кетин ажраб қолганлиги ҳақида сўзлаб беришади. Уларнинг суронли ҳикояларини эшитишимиз ўзи оғир ва даҳшатли, вужудинг музлаб кетди. Ана шунда айрим мамлакатлардаги нотинчликлар ҳақида чуқурроқ ўйлаб, на ўзининг, на эътиқодининг тайини йўқ егалмас ва бузуқчиликларга нафратимиз ошади.

Ҳаётнинг ағачи чучуғини тотган, уруш азобларини қалбда кўтариб юрган нурунийларнинг оилаларига борганимизда улар қўл очиб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини тилаб дуо қилаётганига, ўзларига кўрсатилаётган ҳамқўриқдан мамнун бўлиб, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга шукрона келтириб яшаётганликларига гувоҳ бўламиз. Уларнинг неваро-ю чевараларига мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, рўй бераётган ўзгаришлар, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва буларнинг қадрига етиш зарурлиги ҳақида таърих бераётганликларини кўриб, келажагимиз ворисларининг аждодлар мероси ва Ватанга садоқат руҳида тарбияланаётганидан қувонаемиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳеч шубҳасиз, инсон, миллат ва халқ тарихий хотира тўйеуси билан тирик ва барҳаётдир. Утганларнинг хотирасини эса олиш, уларнинг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш халқимизга хос азалий қадрият бўлиб келмоқда”.

Утмишдан сабоқ олиш учун кексаларнинг суҳбатини олиш катта аҳамиятга эга. Бундай учрашувлар ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиради, ўзи яшаётган қишлоқ ва маҳаллага, бира нафас олаётган инсонларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатади. Айниқса, урушнинг фожиали оқибатлари ҳақида уруш қатнашчиларини ўзиндан эшитган ёшлар тинчликнинг қадрига етиши ва тинчликнинг фидойи курашчисига айланади.

Ҳазратқул МУСАЕВ,
меҳнат фахрийси

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Сайловчиларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, ички йўллари таъмирлаш, молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитларнинг мақсади йўналтирилиши ва транспорт хизматига доир муаммолар ҳам ҳал этилмоқда. Депутатларнинг бу бордаги фаолияти ҳар ойда мониторинг қилиб борилаётгани фаолиятда аниқлиқни таъминлаб, самарадорлиқни оширмоқда.

Мисол учун, халқ депутатлари вилоят Кенгашига Андижон шаҳридан сайланган депутат Бахтиёржон Комилов фаолиятига назар ташлайлик. Депутат Б.Комилов сайловчилар билан 18 мартаба учрашув ўтказди. Худудлардаги бир қатор муаммоларни ҳал этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига киритилган депутатлик сўровлари ва уларнинг натижалари ҳам депутатнинг назоратида бўлмоқда. Айниқса, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмақлаштириш унинг доимий эътиборида. 16 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун бизнес-режа тузиш ва молиявий қўмақ олишлари ағалий ёрдам берилди. Натижада 40 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Андижон шаҳрининг 3-кичиқ даҳасидаги кўп қаватли уйларда яшовчилар табиий газ таъминоти оид масалада қилган мурожаати Б.Комиловнинг тегишли ташкилотларга киритган депутатлик сўрови билан ижобий ечимини



ни топди. “Исломобод” маҳалласи аҳолисининг электр энергияси таъминоти доир масала юзасидан қилган мурожаати асосида Андижон шаҳар электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўрови юборилди. Натижада бу масала ҳам ижобий ҳал этилди.

— Сайловчилар орасига кириб борган сари уларда бизга бўлган ишонч ортаверади. Шу боис учрашувлардагина эмас, ҳамма вақт уларни эшитишга ҳаракат қиламан. МФЙларда ҳафтанинг аниқ бир кунда фуқароларни қабул қилиш соати ташкил этилган. Бу ҳам худуддаги муаммоларни ўрганиб бориш ва тарғибот ишларини йўлга қўйишга қўл келмоқда.

Таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, ўқувчилар маънавиятини юксалтириш уларнинг тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, ўқувчиларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш ва уларнинг мактабда қийиниш маданиятига ривож этиши муҳим


ҳаётий масалалардан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, 2015 йилда депутатлик гуруҳи аъзолари алоҳида чора-тадбир ишлаб чиқди. Мавзунинг долзарблигини инобатга олиб, дастлаб бу масала халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги ижтимоий-маданий комиссиясига тақдим этилди. Ушбу масала мазкур комиссия билан ҳамкорликда 2015 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган кўшма йиғилишда атрофлича кўриб чиқилди. Ш.Валиева, М.Ахунов ва Х.Мирзаахмедовларнинг ўз сайлов округи худудларида бажарилган ишлар бўйича ҳисоботи кўпчилик томонидан маъқулланди. Андижон шаҳридаги 3-, 7-, 29-, 35-умумтаълим мактабларида олиб борилган кенг қамровли тарғибот тадбирлари натижасида бир хил мактаб формасига эришилганлиги қувонарли хол, албатта.

Соғлом она ва бола йилида депутатлар томонидан аҳоли саломатлигини

мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини юксалтиришга бўлган эътибор янада ортди. Жойларда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар жамоатчилик назорати тартибиде ўрганиб боришмоқда. Хусусан, биринчи чоракда Андижон ва Асака туманларида бажарилган ишлар билан бирга камчиликлар ҳам борлиги кузатилди. Айрим умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида ёш авлодни соғлом ва баркамол воёга етказишда муҳим ўрин тутадиган мавжуд спорт объектларидан самарали фойдаланилмаётгани кайд этилди. То-залик ва ободлаштириш ишларини ташкил этишда маҳалла фаолларининг маъсулиятини янада ошириш зарурлиги эътибор қаратилди.

— Аҳолининг репродуктив саломатлиги, оналар ва болаларга бўлган эътиборни ошириш мақсадида партиядош тиббиёт ходимлари билан тарғибот тадбирларини йўлга қўйдик, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Зухраҳон Комилова. — Маҳаллаларда оналар ва ўсмир қизлар иштирокида “Саломатлигимиз ўз қўлимизда” шiori остида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Худудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ҳар бир депутат ўз сайлов округида доимий назорат ўрнатгани ҳам ижобий самара бермоқда.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби



Суратларга: Термиз шаҳрида янги барпо этилган Хотира ва қадрлаш майдонига.
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

АЖДОДЛАРИМИЗ ЭЪЗОСИ — ИСТИҚБОЛИМИЗ АСОСИ

Бугун ёши улуг, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, мустабид тузум давридаги машаққатли синовларни бошидан ўтказган кексаларга гамхўрлик кўрсатиш, уларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кўнглини кўтариш давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Президентимизнинг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони фахрийларимизга эҳтирмининг яна бир ифодаси бўлди. Зеро, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикда, ҳаётимиз фаровонлигида уларнинг хиссаси бекиёс. Жанг майдонларида жон берган, урушдан қайтмаганлари эслаш, бугун орамада соғ-саломат умргузаронлик қилаётган нуруний отахон ва онахонларимизга гамхўрлик кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида яна бир бор элу юрт тинчлиги ва раънаки йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганлигини қайд этиб, "Бу айёмда бугунги тинч-осойишта ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилгани ҳақимиздан ўтади. Шу йўлда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада теран англаймиз", — деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, шундай қунларда тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилгани унут бўлмайди. Яъни, ўша даврда Ўзбекистонда яшagan 6,5 миллион нафар аҳолининг деярли ҳар тўрттадан бири Иккинчи жаҳон урушига жалб этилгани, уларнинг ҳар учтасидан бири жанг майдонларида ҳалок бўлгани, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак кетганини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, уруш ўчоқлари биздан қанчалик олисда бўлмасин, халқимиз учун нақадар талофатли бўлганини ҳис қиламиз.

Афсуски, бугун инсоният тафаккури нечоғлик юксалмасин, давлатлар тараққий этмасин, Иккинчи жаҳон урушининг хали ҳаёт бўлган қатнашчилари тирик гувоҳ сифатида авлодларга ушбу хунрезликнинг аянчли оқибатларидан сўзлаб бераётганига қарамай барибир, тўғри ҳулоса чиқарилгани йўқ.

Шулар тўғрисида ўзининг аниқ тахлил йиғир-мулоҳазаларини билдираётган, Юртбошимиз дунёда тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликларни, яъни ва узок атрофимизда қонли тўқнашувлар кучайиб бораётганини, бир сўз билан айтганда, бундай офатлар тинчлик ва барқарорликка нисбатан ўта жиддий ҳавф ва таҳдид солаётганини таъкидлади.

Бундай мураккаб ва тахликали вазият, бошимиздан кечираётган шиддатли замон, сўзсиз, барчамиздан доимо сезгир, оғох ва хушёр бўлиб яшашимизни талаб қилмоқда, деди Президентимиз. "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган шior юртимизда яшаётган ҳар қайси инсондан ҳамон учраб турдиган лоқайдлик ва бепарволик қайфиятларидан ҳалос бўлишни, энг муҳими, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тинчликпарвар сиёсат Ўзбекистоннинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилшига, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашуви, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисидан бўлишига йўл қўймади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис томонидан 2012 йилда қабул қилинган, муҳим сиёсий аҳамият касб этаётган ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият концепцияси, шак-шубҳасиз, республикамиз теварағида ҳавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўнглилик маконини яратишга ақиндан қўмақлашади.

Мухтасар айтганда, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, мусаффо осмон, эркин ва осуда ҳаётни ҳимоя қилиш, кўз қорачиқдек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Алишер ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Зеро, ушбу байрамнинг мазмун-моҳиятида ўзбек халқига хос инсонпарварлик мужассамдир. Яъни, мамлакатимизда инсон хотираси ҳамиша муқаддас, қадрқиммати азиз ва мўътабар эканлигининг ифодасидир.

МЕҲР-ОҚИБАТ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Бу сана урушда қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим қилаётган, бугун сафимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз раънаки йўлида хизмат қилган нурунийларга янада юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган эзгу кун. Бунда ўзбек халқига хос меҳр-оқибат, бағрикенглик, инсонпарварлик каби юксак фазилатлар ҳам намоён бўлади.

Мухтарам Юртбошимизнинг журналистлар билан суҳбатда "Ҳар қайси халқнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги, керак бўлса, одамийлиги ва инсонпарварлиги нафақат ўз яқинлари, балки бегона одамларнинг бошига мусибат тушганда улардан ўз меҳри ва ёрдами аямаслигида яққол кўринади, синовдан ўтгани", — деган сўзларидан жуда таъсирландим.

"Ҳақиқатан ҳам, ўша машғум йилларда дунёни фашизмдан қутқариш учун ўзбек халқи бағрикен бўлиб нафақат ўз ўғлонларини оловли жангтоҳларга кузатган, балки фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин болалар, аёллар ва қарияларни ўз бағрига олгани, уларга бошпана бергани, "Сен етим эмассан" дея уларнинг кемтик кўнглига малҳам бўлгани ҳамда охири бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрганини шунчаки сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Халқимизга хос бу каби меҳр-муруватлилик, одамийлик фазилатларини бугун азиз юртдошларимиз — турли миллат ва элат вакиллари ҳам эътироф этиб, ўзаро ахил-иноқликда истикомат қилаётгани, шу муқаддас заминни, она Ватанимизни ардоқлаб келаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, умумий уйимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тоғувликнинг таъминланиши мустақиллик йилларида биз эришган энг катта ютуқларимиздан биридир. Бугун одамларимиз онгида ана шу эзгу қадрият ва унинг ўзгармас моҳияти кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Зеро, тинчлик ва осойишталик бўлмаса, жамиятда на ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиб бўлади, на демократик ўзгаришларни амалга ошириб бўлади. Турли тоифадаги фуқаролар ўртасида тенгликнинг йўқлиги, бир-бирини инкор қилиш, ихтилоф ва душманлик қанчалик аянчли оқибатларга олиб келишини бугун дунёдаги қатор мамлакатларнинг нохуш тажрибаси яққол тасдиқлаб турибди.

Бизнинг мамлакатимиз кундан-кунга раънақ топиб, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришаётган экан, бу, энг аввало, тинчлик ва осойишталикнинг махсулидир.

Людмила КОШЕЛАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

ХОТИРА

ЎТМИШНИ КЕЛАЖАК БИЛАН БОҒЛАМОҚ ДЕМАК

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, "уларнинг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи даркор".

Мамлакатимизда нафақат уруш қатнашчилари, фронт ортида қаҳрамонона меҳнат қилган кишилар, улар билан бирга қўлни кўрган нуруний отахон-онахонлар, устоз ва мураббийлар, ўз касбининг моҳир усталари, эл-юрт ардоғида табаррук инсонлар тўғрисида ҳам доимий гамхўрлик қилинмоқда. Чехрасидан нур ёғилиб турган кекса авлод вакилларининг бебаҳо ҳаётий тажрибаси ёшлар учун нихотда муҳим. Улар ҳаётимизнинг кўрки, пиру бадавлатлик рамзи. Президентимизнинг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишининг яна бир ёркин ифодаси бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ уруш қатнашчиларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари 8 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдонида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабани қўлга киритишда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган фахрийлар, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни самимий табриқлаб, уларга сиз хат-саломатлик, узок умр тилаш билан бирга, уруш майдонларидан қайтмаган, бугунги тинч ва осойишта ҳаёт учун жонларини фидо қилган юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. "Аслида, содда ки-

либ айтганда, тарих — бу хотира дегани, ўтган аждодларнинг шонли ишлари, қаҳрамонлиқларини эслаш, ўтмиш воқеаларидан тўғри ҳулоса чиқариб яшаш деганидир.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, биз бундан 17 йил олдин мамлакатимизда 9 май санасини Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиб, пойтахтимиз Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда Хотира майдонлари барпо этиб, бу майдонларда Мотамсаро она хайкалини ўрнатдик. Бошқача айтганда, хотира ва қадрлаш деган, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро боғланган иккита эзгу тўшунча айни шу номда ўзининг ёркин ифодасини топди", — деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда инсоният тарихидаги энг муҳим ва бешиқат бу уруш халқимиз бошига солган офат асло такрорланмаслиги, остонамизга ақин келмаслиги кераклигини, шу билан бирга, дунёда қарама-қаршиликлар тобора кескинлашиб, бу ҳолат тинчлик ва барқарорликка жиддий ҳавф ва таҳдид солаётганини эслаб ўтди. Қўшни Афғонистонда 35 йилдан буюн бекарор вазият ҳукм сураётгани ва халибери унинг охири кўринмаётгани, экстремизм, терроризм деб ном олган ҳаттарлар, фашизм деган бало яна майдонга чиқаяётгани алоҳида таъкидлаб ўтди. Бундай мураккаб ва тахликали вазият барча-барчадан доимо сезгир, оғох ва хушёр бўлиб яшашни, лоқайд ва бепарволик қайфиятга берилмаслигини талаб этади.

Бугунги кунимизнинг муҳим вазифаларидан бири — ўсиб келаётган ёш авлодга, азиз фарзандларимизга тинчлик бу — ҳаётдаги энг улуг неъмат эканлигини тушунтириш, онг-шуурига синдиришдан ибo-

рат. Негаки, дунё минтақаларида уруш оловини қайта ёқиш, бўлиган дунёни қайта бўлиб олиш, қуроли, ирқий ва бошқа можаролар чиқариш, халқларнинг осуда ҳаётига раҳна солиш ва бундан моддий манфаат кўриш ҳаракатлари ҳозир ҳам йўқ эмас. Шу боисдан ҳам Юртбошимизнинг хамиша оғох бўлиш, ахил-иноқликни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмастик тўғрисидаги даъватларини доимо ёдимизда тутмоғимиз ва унга амал қилмоғимиз зарур.

Хотира ва қадрлаш — ҳар биримизнинг миллат раънаки, ҳаётимизнинг фаровонлиги билан бевоқифа боғлиқ эзгу ниятимиз ва амалий ишларимизда ҳам ўз ақсини топади. Биз, шубҳасиз, буюк хотирага эътибор, аммо келажакни хотира билан фахрланишимиз ўзи билангина яратиб бўлмайди. Тарих учун биздан ҳам, улуг боболаримиз каби, буюк ишлар хотира бўлиб қолиши, бизнинг бугунги ишларимиз, эзгу амалларимиз ва ютуқларимиз ҳам келгуси авлодларни янги зафарларга руҳлантириши ва илҳомлантириши лозим. Шу маънода ушбу кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида "Ким эдигу ким бўлди. Эртага қандай улуг марраларни эгаллашимиз керак?", "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" шiori остида ўтаётган ёшлар фестиваллари, авлодлар урчушувлари, китобхоналик байрамлари, ижодий маҳорат кўриқлари катта аҳамият касб этмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Бу тадбирларда бугун воғга етган имон-эътиқодли, замонавий билимларни чуқур эгаллаган, истиқлол воғларига садокатли, мустақил фикрли, журъатли ёшлар Ватанимизнинг энг катта, ҳеч нарсасига қийслаб бўлмайдиган бойлиги эканлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Ислом ҲАМРОЕВ

"Бугун муқаддас масканга айланиб қолган мана шу Хотира майдонида туриб, жаҳон тарихидаги энг қонли, мислсиз қурбонлар, мусибат ва офатлар олиб келган урушда эришган ғалаба кунини нишонлар эканмиз, орадан шунча йиллар ўтганига қарамай мамлакатимизда биронта одам йўқки, ўша даҳшатли урушни, унинг асоратларини эсидан, ҳаёлидан чиқарган бўлса, — деди Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида. — Шунинг учун ҳам бу қутлуғ айёмни, бир томондан, катта ғурур ва ифтихор билан, иккинчи томондан, кўзимизда ёш билан кутиб оламиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".

Ғурур ва ифтихоримизнинг боиси шундаки, биз тиш-тироғин билан қуролланган, ўнлаб мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини ўзлаштирган ҳавфли душман устидан ғолиб чиқдик. Уруш даҳшатларини, фашистларнинг бераҳм босқинчилигини мен ўз кўзим би-

лан кўрдим, ўз танамда ҳис қилдим. Жанг чоғи бир неча марта яраланиб, яна сафга қайтдим. Биргина бизнинг юртимиздан 420 миң нафар инсон жангларда ҳалок бўлди, 123 миң жангчи бедарак йўқолди. Мен фашистларни ёвуз босқинчи, деб биламан. Бир эслай-

лик: 1946 йилнинг 8 февралда, Нюрнберг судида бош айбловчи генерал Р.Руденко фашистлар томонидан 1710 шахар, 70 миң кишлоқ, 6 миллион бино, шу жумладан, 32 миң саноят корхонаси, 100 миң жамоа ва давлат ҳўжалиги, 40 миң касалхона, 84 миң мактаб, 43 миң кутубхонанинг кули кўкка совурилганини айтган эди. Шаҳарлар қайта тикланди, мактаблар қурилди. Аммо шафқатсизларча кириб юборилган 20 миллион нафар бегуноҳ жонни қайтариб бўладими?

Биргина бизнинг Қорақалпоғистондан 36 миң нафар сафдошимнинг сўнгги манзили Европа замини бўлди. Улар Москва, Киев, Минск, Варшава ва бошқа шаҳарлар, кишлоқлар учун бўлган беомон жангларда ҳалок бўлдилар. 20

нафар қорақалпоғистонлик қаҳрамонлик нишонини, 6 нафари "Шухрат" орденининг тўлиқ соҳибини бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шoirи, элдошим Ибройим Юсупов бир шеърда бундай деб ёзган эди:

*Ғалаба кунини улар кўрмади...
Жон берди, Ватанин ёва бермади,
Айтиб берар эдим ҳозир отма-от,
Халқободдан қанча одам келмади...*
Мана, бугун, орадан 71 йил ўтгач, мен ҳам ўшанда Кегайлидан, Халқободдан, Қуанишқармадан қанча ботир қайтгани-ю қайтмаганини бирма-бир, отма-от айтиб бера оламан. Кейинчалик, урушдан анча йиллар ўтгач, академик С.Камолов ёзган бир маълумотни ўқиган эдим. Тарихчининг келти-

ришича, 1941 йили Қорақалпоғистонда 19937 бола турилган бўлса, 1944 йили уларнинг сони 4 бараварга қайтиб, фақат 1959 йилдагина аҳоли сони 1941 йилги даражага қўтарилган экан. Бугун Қорақалпоғистонда 1,7 миллион нафар аҳоли, турли миллат вакиллари истиқлол ҳавосидан бахтиёр нафас олмақдалар. Устуртдаги гигант корхоналардан тортиб маҳалладаги оилавий бизнес вакили — оддий қасаначининг ишигача, барча-барчасида унум бор, барака бор. Ҳеч қимдан кам бўлмаган, билимда, спортда, санъатда ҳеч қимга бўш келмаётган барқамол авлод шаклланди. Барпо этилаётган янги уйлар, янги шаҳарчалар, янги йўللар, янги кўприклар, янги ҳаёт ҳавасини келтирадиган, яна-

да узокроқ яшашга иштиёқ уйғотди. Бизнинг ажойиб шoirимиз Ажиниёз охун Қўсийой ўғли "Бу дунёнинг кўрки — одам боласи", деб ёзган эди. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳамма нарса ўша одам кўрки, яъни бешикдаги боладан тортиб юз ёшдан ошган қариягача гўзал ва мамнун яшашига қаратилган. Бундай ахил, ҳамжихат, оғзи-бир юртнинг келажаги, албатта, буюк бўлади! Президентимизнинг сўзларини эшитиб ўтириб ҳаёлимдан ана шундай фикрлар кечди. Тинчлик ана шундай тансик неъмат эканлигини яна бир бор айтгим келди.

Қудайберген РАМБЕРГЕНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши
қатнашчиси,
Кегайли тумани, "Ўзумбор" овули

ОСУДА ҲАЁТ КЎРКИ

ВАКОЛАТГА МУНОСИБ ФАОЛИЯТ қуйи бўғинга фуқароларнинг ишончини оширади

БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз дастурида белгиланган ҳолатни ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий шерикларига, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга муҳим вазифа сифатида қарамоқда. Бунда, хусусан, маҳаллаларда иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш муҳим ўрин тутди.

Қарши шаҳридаги “Маҳаллот” маҳалласида “Адолат” социал-демократик партиясининг бошланғич ташкилоти ва жамоатчилик қабулхонаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Маҳалла аҳлининг эътирофи қилишларича, БПТнинг барча аъзолари фаол ва ташаббускор. Уларнинг саъй-ҳаракати боис ўтган йилнинг ўзига маҳалладошларнинг ижтимоий-مائий шароитларини яхшилашга доир 30 дан ортиқ мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Шу кеча-кундузда ҳам партия фаоллари шаҳардаги ўнга яқин нодавлат ношароит ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб, аҳоли томонидан билдирилаётган тақлиф ва ис-таклар ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда ижобий на-тижаларга эришмоқда. БПТ фаоллари аралашуви билан ма-ҳалладаги “Хуснобод”, “Ма-ҳаллот”, “Тошқудук”, “Далми-кор” кўчаларида яшовчи оила-ларда табиий газ, тоза ичим-лик суви таъминотига доир му-аммолар ҳал этилиб, ички йўллардаги носозликлар таъ-мирланаёти. Бунинг учун БПТ аъзолари мутасадди таш-килотларга мурожаат қилиш-гач, ободончилик, қолаверса, мавжуд камчиликларни барта-раф этиш учун маблаг ҳам, ҳомийлар ҳам топилди. Жорий йилнинг ўзига “Хуснобод” ва “Тошқудук” кўчаларида бир километр масофадаги пидеалар йўлакчасига асфальт, йўл чек-касидаги ариқларга эса йўлсоз-лик корхонаси ва ободонлаш-тириш бўлими томонидан бе-тон копламлар ётқизилди.

БПТ аъзолари бурчага масъ-улият билан ёндашадиган иш-билармон, фидойи кишилар. Улар бирор масала юзасидан йиғилиш ёки тадбир ўтказиш-моқчи бўлишса, кўпчилик ма-ҳалладошлар ҳам қатнашадил-лар, бу эса партиядошлар у ёки бу масала ечимига фуқаролар-

нинг ишончини қозонганидан ҳам дарак беради.

Партия фаоллари ва маҳал-лий Кенгаш депутатлари кўма-гида ҳудуддаги тиббиёт муас-сасалари, мактаблар, шаҳар са-нитария-эпидемиология назорати маркази ва бошқа ташки-лотларда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида БПТ томонидан 10 га яқин тадбирлар ташкил этилди. “Соғлом она — соғлом бола”, “Соғлом бола — мил-лат келажак”, “Соғлом оила-ни шакллантиришда маҳалла-нинг ўрни”, “Оила — саодат сарчасмаси”, “Аёлларга эъти-бор — миллатга эътибор”, “Ис-тиқболли ёшлар Ватан тарақ-қиети гаровидир” каби мавзу-лардаги тадбирлар кўпчили-да катта кизиқиш уйғотди.

Айни пайтда БПТ фаоллари фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлов-ининг адолат, ошқоралик, тенг-лик каби тамойиллар ҳамда қонунийлик ва аҳолининг талаб-лар асосида ўтишига ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

Бугунги кунда маҳаллада 100 га яқин кичик бизнес ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фаоли-ят юритмоқда. Уларнинг ҳар то-монлама замон талаби асосида иш юритишлари учун БПТ аъзо-лари керакли ёрдамни аяшма-япти. Шу сабабли “Маҳаллот”-да кенг қўллади тадбиркорлик ривож топтоқда. Йил сайин янги-янги савдо дўконлари, ма-иший хизмат шохобчалари, ош-хона, тивувчилик цехлари, за-монавий хизмат тармоқлари кўпаймоқда. Бунинг эвазига шу йилнинг ўтган ойларида БПТ ҳамда маҳалла фаоллари ташаб-буси билан 30 нафар хотин-қиз-лар ва ёшлар ижтимоий фойда-ли меҳнатга жалб этилди.

Маҳаллада фуқароларнинг озғани мурожаатлари ҳам ўз вақтида қўриб чиқилиб, ижо-бий ҳал этилаёти. Масалан,



шу маҳаллада истиқомат қила-ётган Саид ота Халитов кекса-тарнинг пластик қарточкадан нард пул олишларида банкда муаммолар юзага келаятгани хусусида озғани мурожаат қилиб, амалий кўмак сўраган. Ушбу масала бўйича БПТ фа-оллари Марказий банкнинг ви-лоят бошқармасига мурожаат қилишди ва натижада муаммо ўз жойида ечим топди.

Ҳа, бугун демократик жара-ёнлар билан боғлиқ ҳар бир ҳаракат, аввало, маҳаллада олиб борилаётган ишларда ўз аксини топиши биз қураётган фуқаролик жамиятининг пой-девори мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Буни чуқур ан-гарлаб жонқуяр маслаҳатчилик ми-нанинг ташаббускорлиги на-тижасида ҳудудда партияга ишонч ортиб, хайрихоҳлар са-фи кенгайиб бораётир.

Бошланғич партия ташкило-тида партиявий-ташкилий иш-лар замон талаби асосида йўлга қўйилаётганлиги эътиборга мо-лик. Вилоят партия кенгаши томонидан бу ерда ўтказилган “Бошланғич партия ташкило-тининг ижтимоий-сиёсий соҳа-даги вазифалари ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусидаги тадбир-да шаҳардаги бошланғич партия ташкилотлари вакилла-ри “Маҳаллот” маҳалласида амалга оширилаётган ибратли ишлардан воқиф бўлдилар. Та-дбир давомида фаоллар ўзаро тажриба алмашиб, БПТлар фа-олиятини йўлга қўйилаётган хато ва камчиликларни очиб-ойдин айтаиб ўтдилар. Мазкур тадбир-да маҳаллий Кенгаш депутат-лари, БПТ раислари, партия фаоллари ва хайрихоҳларимиз ҳам иштирок этди.

— Бошланғич партия таш-килотлари халқ орасига дадил кириб бориши лозим, — деди тадбирда “Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида бошланғич партия ташкилотларининг фа-оллигини ошириш масалала-ри” мавзусида матруза қилган партиянинг вилоят кенгаши ра-иси Абдуқаҳҳор Аҳмедов. — Жумладан, БПТлар ижтимоий, сиёсий вазифаларини амалга ошириши, давлат дастурларини ижро этишида фаол қатна-шишида шаҳар партия кенга-ши ўз таркибидagi бошланғич партия ташкилотларига ҳар то-монлама кўмакчи, фаол ҳам-кор бўлмоғи лозим.

— БПТларни партиянинг ижтимоий-сиёсий лойиҳалари-га кенг жалб қилиш ҳам яқши самара бермоқда, — деди халқ депутати Қарши шаҳар Кен-гаши депутати Акмал Бобоев. — Шу билан бирга, БПТлар етакчиларининг сиёсий савия-ти, профессионал маҳоратини ошириш борасида анхч чора-тадбирлар қўрилиши, жумла-дан, бу борада партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан БПТ раислари учун ўтказилаётган сиёсий ўқувлар амалий аҳамият касб этади.

Йиғилишда электорат ҳамда партия раисларига хайрихоҳ бўлган фуқароларнинг манфа-атларини ҳимоя қилиш, ижти-моий масалаларни ечишда бош-ланғич партия ташкилотлари билан маҳаллий Кенгаш депу-татларининг алоқаларини кен-гайтириш, ижтимоий масъули-ятни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Айни пайтда шаҳарда 1911 нафар сафдошларимиз бор, БПТлар эса 46 тани ташкил этади. Партиядошларимиз йил якунигача маслаҳатчилар сони-ни 2300 нафарга, БПТларни

эса 50 тадан ошириш ҳара-катини қўришаёпти.

Тадбир давомида “Адолат” СДП Қарши шаҳар кенгаши таркибидagi бошланғич ташки-лотлар жамият ижтимоий-сиё-сий ҳаётида нечоғлиқ иштирок этаётганлиги таҳлили ҳам қиз-гин кечди.

Муҳокамаларда фаоллардан Ғайрат Ўринов, Рустам Хоши-мов, вилот партия кенгаши-нинг “Аёллар қаноти” етакчи-си Азима Зайнуллонова, БПТ етакчиси Сабина Ермақовалар сўзга чиқиб, бошланғич партия ташкилотлари иштини жонлан-тириш юзасидан ўз фикр-му-лоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, йирик БПТларда партия депутатлик гуруҳларининг кўчма мажлисларини таш-кил этиш, уларнинг ташаббус ва тақлифларини ўрганиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органлари билан алоқалар-ни мустаҳкамлаш, ўзаро таж-риба алмашишни йўлга қўйиш ва БПТлар фаолиятини мунта-ван равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш каби масалалар алоҳида қайд этилди.

Зеро, мамлакатимиз ижтимо-ий-сиёсий ҳаётида кечаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлашда, ўз мавқеини мус-таҳкамлаш орқали партияимиз нуфузини оширишда бошлан-ғич партия ташкилотлари жон-қуярлик қўришда ишлатиш му-ҳим вазифа саналади. Шунинг-дек, ҳар бир БПТ жойларда жамоатчилик назоратини сама-рали ташкил этишда ўз ўрнига эга тузилма даражасида фао-лият олиб бориши зарур.

Комил САХАТОВ, “Адолат” мухбири

СДП хабарлари МАРДЛАР мангу яшайди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Навоий вилоят кенгаши ўз фао-лиятини ўтган аждодларимизни хотирлаш ва биз билан ёнма-ён умргузаронлик қилаётган кексаларни эъзозлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг дахшатли жанглирида олис Нурота туманининг тоғлар бағридаги 32 оилдан иборат мўъжазгина “Авазой” маҳалласидан ҳам 25 нафар нав-қирон йиғитлар юрт тинчлиги учун курашдилар. Шун-дан 13 нафари фашизм балосига қарши тенгсиз жанг-ларда жонларини фидо қилишди. Она кишлоққа ғалаба билан қайтган Мусо Қозоқов, Аҳмад Чўлиев, Ғайбулла Шодиев, Умрзок Турғунов, Урал Қобонов, Ўтаган Эли-боев, Умар Сувонов, Исо Бозоров, Нори Ҳакимов, Ҳай-дар Холбоев, Хўжа Қозоқов ва Давлон Ҳакимовлар ҳам бугун орамизда йўқ. Лекин мард ва жасур ўғлонлар жасорати қалбларда мангуликка муҳрланган. Улар киш-лоқдошлари, қариндош-уруғлари ва ёш авлод хотираси-да абадий яшайди. “Оқсепна” кишлоқдаги 25-умумта-лим мактабда Хотира ва қадрлаш куни муносабати бил-ан бўлиб ўтган тадбирда бу яна бир бор яққол исботи-ни топди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси На-воий вилоят кенгаши томонидан халқ депутатлари Ну-рота туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамда мазкур мактаб жамоаси билан ҳамкорликда ташкил этил-ган маросим кишлоқда уларнинг хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. Унда сўзга чиққанлар жасур хамкишлоқларининг Ик-кинчи жаҳон уруши ҳамда фронт ортидаги меҳнат жа-соратини ёдга олиб, бунинг бугунги ёш авлод тарбияси-да муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Жумладан, халқ депутатлари Нурота туман Кенгаши-даги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи рах-бари Ўктам Нормуродов мамлакатимизда Иккинчи жа-ҳон уруши фахрийлари ва уруш ортидаги меҳнат фрон-ти қатнашчиларига, кексаларга қўрсатилаётган бекиёс эътибор ва ғамхўрликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича тўхталди. Мактаб ўқувчиларининг чиқишларида аждодлар жасоратининг адабий-баддий та-лкини ўз ифодасини топди.

Тадбирда хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди. Хусу-сан, кишлоқдаги қабристонда депутат Ўктам Нормуро-дов ташаббуси билан аҳоли иштирокида ободонлашти-риш, қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу ерда мил-лий мейморий услубдаги дарвоза тикланди. Кишлоқ аҳли ўтганлар хотирасини катта ҳурмату эҳтиром билан ёдга олишди.

Тадбир кишлоқ ёшларидан ташкил топган саккиз жа-моа ўртасидаги футбол бўйича хотира турнири билан давом этди.

Олим Хўжаев, “Адолат” мухбири



ИНСОН АЗИЗ, хотира муқаддас

Ўтганларни хотирлаш, биз билан ёнма-ён умргузаронлик қилаётган ёши улуг инсонларни эъзозлаш ва қадрига етиш элимизга хос эзгу фазилатлар сирасига қиради.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” СДП Шофиркон туман кенгаши фаоллари ту-мандаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хонадонла-рига ташриф буюриб, эл-юртнинг тинчлиги, эрки ва озод-лиги учун курашган фахрийларни байрам билан қутлади-лар, уларга ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром қўрсатдилар.

— Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қат-нашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ёши-мизга ёш, кучимизга куч қўшди. Биз, нурунийларга қўрсати-лаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликлар натижасида ҳаётимиз янада фаровон бўлиб бормоқда. Шу боис биз, кексаларнинг руҳимиз баланд, хамиша дуодамиз, юр-тимиз доимо тинч ва фаровон бўлсин, — дея тилак билдир-ди 93 ёшли отахон Али Боймуродов.

Ёши улуг кексалар ёдида уруш йилларининг хотиралари, матонат лавҳалари муҳрланиб қолган. Шу боис ёшлар тар-биясида, уларнинг маънавий баркамоллигида ота-боболари-миз ўғит ва насихатлари юксак маъно-мазмун касб этади.

Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимиздаги энг муҳим байрамлардан биридир. Хотира, меҳр-оқибат, қадр-қим-мат рамзи бўлган ушбу қутлуг кунда ёшлиқнинг навқирон чоғларини уруш оловларида, жангтоҳларда ўтказиб, бу-гунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсон-лар жасоратини ёдга оламиз.

Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида жон фидо қил-ган юртдошларимиз руҳини шод этиш, шиддатли жанг майдонларида жасорат қўрсатган ҳамюртларимизга ҳур-мат-иззат қўрсатиш бизнинг бурчимиз ва бундай эзгу иш ҳар биримизга маънан куч бағишлайди.

Обиджон ЗИЁДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП Когон туман кенгаши раиси ўринбосари

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН БИРГА КУРАШАМИЗ

Маълум бир ахборотни қабул қилиш ва уни ўзлаштириш шахсининг дунёқараши билан боғлиқ жараён. Ахборотдан фойдаланиш ма-данияти шаклланиши ҳам ана шу жараён билан боғлиқ кечади.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ХИМОЯДА

Ёшларимизда ушбу жараён давомида оммавий ахборот воситала-ри материалларига нисбатан тўғри ва ижобий муносабат шакллани-ди, маънавий-ахлоқий, эстетик дунёқараш ривожланади, мафкура-вий иммунитет ўз-ўзидан мустаҳкам химоя қилинади.

Фарона вилояти Фуркат туманида ёшлар билан ўтказилган давра суҳбатига ҳам айнан шу масалалар муҳокама этилди. Давра суҳбатига Ўзбекистон “Адолат” СДП туман кенгаши вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, 23-умумтаълим мактаби ўқитувчи-лари, касб-хунар коллежи битирувчилари иштирок этдилар.

— Бутун дунё микёсида виртуал таҳдид ниҳоятда оммалашиб бормоқда, — деди туман партия кенгаши раиси Миржалол Рўзи-ев. — Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда мактаб ёшидаги бола-лар ҳам интернетдан фойдаланиши яқши билишади. Афсуски, бу ёшда уларда таҳлилий фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата биллиш, бошқача айтганда, “филтрлай” олиш қобилияти ҳали шаклланиб улгурмаган бўлади. Бу ҳолат билдан болалар билан ишланишнинг янги ҳақида ўтишни талаб этмоқда. Давра суҳбатига ушбу масала бўйича педагогларимиз билдирган бир қанча тақлифлар менга маъқул бўлди.

Давра суҳбатига қайд этилганидек, ёшларимизни турли бузғун-чи роғлар таъсиридан сақлашнинг самарали усулларидан бири — улардаги фидойилик, ватанпарварлик, адолатчилик, қатъийлик, ташаббускорлик, садоқат каби эзгу фазилатларни жонлантириш-дан иборат.

Ёшлар билан ўтказилган мулоқот чоғида улар интернетнинг салбий ва ижобий жиҳатлари тўғрисида ўз мустақил қарашларини баён этдилар. Тадбир сўнггида хулосалар умумлаштирилиб, тақ-лифлар асосида келгуси режалар белгилаб олинди.

Комила ИСРОИЛОВА, Фарона вилоят кенгаши матбуот котиби



“АДЛ НИҲОЛЛАРИ” жамоаси ғолиб бўлди

Олий ўқув юртлири талабалари ўртасида Ўзбе-кистон “Адолат” СДП томонидан ташкил этилаёт-ган “Адолат — қонун устуворлигида” кўрик-тан-ловининг биринчи босқичи ҳудудларда бўлиб ўтмоқ-да. Урганч давлат университетига мазкур кўрик-танловнинг биринчи босқичи ўтказилди.

Тадбирда вилоят адлия бош-қармаси ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фа-оллари, университет ўқитувчи ва талабалари ҳамда ОАВ ходимла-ри иштирок этдилар.

Вилоят партия кенгаши раиси Икром Абдуллаев партиянинг “Ватан келажак ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида мазкур тан-ловни ташкил этишдан қўзлан-ган мақсад — ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини, онги ва маданиятини юксалтириш, улар-ни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжат-

ларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда эркин фикрлаш қоби-лиятини ва нуқт маданиятини ўсти-риш, фаол фуқаролик позиция-сини янада мустаҳкамлаш, тала-балар ўртасида қонунларнинг маъзун ва моҳиятини тарғиб этиш, юксак маънавият, ўзбек халқининг тарихий анъаналари, маданий меросига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳи-да тарбиялашдан иборат экани-ни қайд қилди.

Кўрик-танловда Урганч давлат университети тарих факультети-нинг “Адолат”, педагогика факультетининг “Адл ниҳоллари” ҳамда табиий фанлар факультетининг “Калкон” жамоалари беллашдилар.

Танловнинг биринчи шартда жамоалар ўзларини таништирдилар. Иккинчи шартда Ўзе-бекистон Республикаси Президен-тининг асарлари, Конституция-миз, сиёсий партиялар фаоли-ятига доир қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон “Адолат” со-циал-демократик партиясининг Устави ва Сайловоди дастури тўғрисидаги саволларга жавоб

бердилар. Кўрик-танловнинг учинчи шартда иштирокчилар юрт тинчлиги ва халқимиз осой-ишталигини сақлаш, ёшларни террористик оқимлар таъсиридан асраш, ғиёҳвандликнинг олдини олиш, юксак маънавиятли бар-камол авлодни тарбиялаш ва ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги-ни оширишга оид фикр-мулоҳа-заларини сахна қўринишлари ор-қали ифодаландилар.

Кўрик-танлов якунида фаол қатнашган жамоаларга вилоят партия ташкилотининг диплома-лари ва эскилик совғалари тақдим этилди. Ғолибликни қўлга кирит-ган “Адл ниҳоллари” жамоаси кўрик-танловнинг вилоят босқи-чига йўланма олди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

► "АДОЛАТ": КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Икром АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Хоразм вилоят
кенгаши раиси:

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК

— "Адолат" социал-демократик партиясининг бугунги кундаги тараққиёт омиллари нисбатан деярлик, деб ўйлайсиз? Унинг ташкил этилган даврдаги нисбатан ўсиши, юксалиш даражалари нисбатан қўзғатилганми?

— Партиялар жамият, давлат тараққиётига хизмат қилувчи сиёсий институт ҳисобланади. Шу жиҳатдан "Адолат" СДП ҳам ўз дастуриламаларида қўзда тутган инсон ҳуқуқ ва манфаатларини олий кадрият деб баҳолаб, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнига фаол ҳисса қўшмоқда.

"Адолат" СДП ташкил топган кундан бошлаб ҳозирга қадар ғоявий жиҳатдан жиш-лашди, ташкилий жиҳатдан мустақамланди, жойларда партия фаолияти ҳақида аҳолининг хабардорлиги орди, аъзолар сонини кўпайди. Бугунги кунда вилоятда партия аъзолари сонини ўн бир миң кишидан ошди. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида сафимиз янада кенгайди. Бунда партия тараққиётининг ўзига хос омиллари бор. Айтилик, бундан 20 йил аввал халқимиз вакиллари партияимизнинг келажига ишонч билдириб аъзоликка кирган бўлсалар, бугунги кунда улар партияимизнинг фаолиятини яхши билган, унинг амалга ошираётган ишлари, келгуси режаларини маълумлашган ва ўзлари ҳам партия олий бораётган ишларга ҳисса қўлиш учун аъзо бўлмоқдалар. Бошқача айтганда, бугун партиянинг фаолиятига ишонч янада кўчиди. Бу партиянинг тараққиётини таъминлашда аҳолининг қўллаб-қувватлаши, аҳоли фаровонлигини оширишга интилаётган экан, бу билан нафақат юртимиз тараққиётини таъминлаш учун қўшмоқда.

Вилоят партия ташкилоти таркибиде айни пайтда 130 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Партиядошларимиздан 1 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 8 нафари халқ депутатлари вилоят Кенгашига, 43 нафари шаҳар ва туманлардаги маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланган. Маҳаллий вакилик органларида партияимизнинг жами 7 та депутатлик гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Бу Катта куч ҳисобланади. Ана шу кучга таяниб, 2015 йилда вилоят партия ташкилотига қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. "Йилнинг энг намунали партия ташкилоти", "Йилнинг энг намунали депутатлик гуруҳи" кўрик-танловлари ўтказилди. Ҳолилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Вилоят партия ташкилоти қошида "Адолат жилғалари" деб аталган ёш истеъодлар клуби фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, икитидор ёшларнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида "Адолат дўшиси" ва "Адолат белбони" деб номланган махсус совға ҳамда сертификат ташкил этилган. Утган вақт ичида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Партияимиз фаолияти томонидан таъсис этилган "Эъзо ва эътибор" лойиҳаси доирасида улду инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари кадрланмоқда. Сафдошларимиз юртимизни обод қилиш, боғлар яратиш, кўкаламзор масканлар барпо этишга ҳисса қўшмоқдалар.

— **Партиянинг ҳудудий ва қуйи ташкилотлари фаолияти қандай кечмоқда? БПТлар фаолиятини кучайтиришда улар яна қандай ишлари амалга ошириши зарур, деб ҳисоблайсиз?**

— БПТ электорат билан ҳамкорликда ишлаб, жойлардаги муаммолардан хабардор бўлгани, партия дастурини ҳаётга изчил татбиқ этувчи қуйи бўғин ҳисобланади. Хоразм вилоят



партия кенгаши ҳам маҳаллий вакилик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари ва қуйи тузилмалар ҳамкорлигида жойларда аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини химоя қилиш, хусусан, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳа ва тадбирларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаяпти.

Вилоят партия ташкилоти таркибиде айни пайтда 130 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Партиядошларимиздан 1 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 8 нафари халқ депутатлари вилоят Кенгашига, 43 нафари шаҳар ва туманлардаги маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланган. Маҳаллий вакилик органларида партияимизнинг жами 7 та депутатлик гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Бу Катта куч ҳисобланади. Ана шу кучга таяниб, 2015 йилда вилоят партия ташкилотига қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. "Йилнинг энг намунали партия ташкилоти", "Йилнинг энг намунали депутатлик гуруҳи" кўрик-танловлари ўтказилди. Ҳолилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Вилоят партия ташкилоти қошида "Адолат жилғалари" деб аталган ёш истеъодлар клуби фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, икитидор ёшларнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида "Адолат дўшиси" ва "Адолат белбони" деб номланган махсус совға ҳамда сертификат ташкил этилган. Утган вақт ичида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Партияимиз фаолияти томонидан таъсис этилган "Эъзо ва эътибор" лойиҳаси доирасида улду инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари кадрланмоқда. Сафдошларимиз юртимизни обод қилиш, боғлар яратиш, кўкаламзор масканлар барпо этишга ҳисса қўшмоқдалар.

Партия ташкилоти томонидан жойларда хайрия ишлари ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2015 йилда 76 та хайрия тадбирлари ўтказилиб, уларда хомийлар кўмағида 2300000 сўмлик хайрия ёрдамлари амалга оширилди. Вилоятда аниқланган 170 нафар ёлғиз яшовчи кексаларга моддий кўмак берилди. Бу ишда партия вилоят кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти ва "Адолат жилғалари" истеъодлар клуби аъзолари фаол иштирок этиб келмоқда. 2016 йил вилоят партия ташкилоти тизимида "Бошланғич партия ташкилоти йили" деб номланди. Шу муносабат билан жойларда БПТлар фаолиятини янада яхшилаш учун турли тадбирлар ўтказилмоқда. Келгусида амалга ошириладиган режаларимиз ҳам кўп. Маҳаллий вакилик органларидаги партия депутатлари жойлардаги маъжуд муаммолар ечим бўйича таклифлар билан чиқиб, амалий ёрдам бериши, халқ дарди билан яшаши, ёш авлодга юксак маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш вазифаларига эътиборини янада кучайтириши лозим. БПТ фуқароларини ишга жойлаштиришда, сармоядорларнинг маблағларини ишлаб чиқаришга йўналтиришда, умуман, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожланишида ўз ўрнига эга бўлиши лозим, электорат манфаатлари химоясини янада кучайтиришлари зарур.

— **Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси "Демократик кучлар блоқи"га нисбатан ўзини муҳолиф деб эълон қилди. Сизнингча, тадбиркорликни кучайтириш ва илгор технологияларни ҳаётга татбиқ қилишда, ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар билан қуроллантиришда партия қандай роль ўйнамоқда?**

— Иновациялар инсоният цивилизациясининг барча босқичларида муҳим роль ўйнаган

лай оладиган фаолиятдир. Шунингдек, муҳолифлик фуқаролик жамиятининг шаклланиш омили ҳам. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда муҳолифликнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Бунда давлат, жамият тараққиётини таъминлаш қиладиган соғлом сиёсий раёқат назарда тутилган. Парламентимиздаги муҳолиф томонлар вакиллари мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг гуллаб-яшнаши учун бор кучларини сарфламоқлари лозим. Хусусан, "Адолат" СДП бизнес-лотини ижтимоий масъулият даражасини ошириш, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини фаол ривожлантириш, интеллектуал мулк объектларини химоя қилишни таъминлаш соҳасида давлат назоратини кучайтириш, корхоналарга уларнинг социал ва ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигидан келиб чиқиб солиқ имтиёзларини бериш каби масалалар парламентдаги қўйилган қарорларни кучайтириш фаолияти йўналишларида етарлича акс этмаганлигини алоҳида қайд этиб, ўзини "Демократик кучлар блоқи"га нисбатан муҳолиф деб эълон қилди ва ушбу ҳамда бошқа йўналишларини умумхалқ манфаатларини химоя қилмоқда. Муҳолиф сиёсий кучларнинг соғлом сиёсий раёқат олиб бориши аслида жамият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган раёқатли фаолият эканлигини бир-бирларининг фаолиятларида тўлдириб боришлари учун ҳам зарур бўлади.

— **"Адолат" СДП Ўзбекистоннинг келажиги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Илмий-маърифий соҳаларни юксалтиришда, тадбиркорликни кучайтириш ва илгор технологияларни ҳаётга татбиқ қилишда, ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар билан қуроллантиришда партия қандай роль ўйнамоқда?**

— Иновациялар инсоният цивилизациясининг барча босқичларида муҳим роль ўйнаган

ва юксалишига йўл очган. Бунинг асл сабаби илм-фаннинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири эканлигидир. "Адолат" СДП Сайлов-олди дастурида инновацион технология ва ишланмаларни тараққиёт эътириш масалалари мамлакатимизда илм-фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишига, уларнинг қўллаб-қувватлашига қўйилган аҳолининг қўллаб-қувватлашига, дея таъкидланган. Бу соҳаларга партиянинг амалий ёрдами сифатида ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш таклиф қилиниб, бунга маълум даражада эришилмоқда. Хусусан, айни пайтда олий ўқув юртинларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишнинг рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаолиятини ошириш, олий ўқув юртинларининг илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш каби ишлар олиб борилаётган. Ушбу фаолиятда партия ролялари ва сафдошларимизнинг савий-харакатлари уйғунлиги самара бермоқда.

Жорий йилнинг бошида вилоят ташкилоти ташаббус билан фермерлар фаолиятига инновацион технологияларни жорий қилиш мақсадида Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда "Фермер хўжалигида инновацион муҳим барқарор ривожланиш омили" мавзусида туманлараро ўқув-семинар ташкил этилди. Келгусида бундай ишлар яна давом этади.

— **"Адолат" СДП келгусида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаётини қандай мавқега эга бўлади, деб ўйлайсиз?**

— "Адолат" СДП келгусида мамлакатимизнинг барча соҳаларида ўзининг мустақам мавқега эга бўлади. Чунки ўзининг аниқ дастурига, мустақам позициясига ва элим, юртим деб ёниб яшайдиган аъзоларига эга. Ўйлайманки, партия электорати (сайловчилари) сафи ҳам кенгайиб боради. Партиянинг парламентда ўз сафини кенгайтириб бориши халқ манфаатлари ва юртимиз истикболи учун хизмат қилади. Партияимизнинг бош ширини "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони. Адолат — хар бир инсон учун", деб белгилагани бежиз эмас. Зеро, адолатнинг қарор топтириши, уни ҳаётда амалга ошириш, хар бир инсон тақдирини билан боғлаш осон кечмайди. Негаки, Ватан тараққиёти, истикболи учун хизмат қилиш партиядошларимиздан чинакам фидойиликни талаб этади. Мен сафимизда ана шундай фидойи инсонлар кўп эканлигига ишонман.

Сўхбатдош:
Камол МАТЎҚУБОВ,
"Адолат" мухбири

► "АДОЛАТ"НИНГ АДОЛАТЛИ АЁЛЛАРИ

Мирзаобод туманида адолат тамойилини ўз фаолиятининг бош мезонига айлантирган ҳолда, нафақат касбий маҳорати, билими, балки сиёсий фаоллиги, ҳаётий тажрибалари билан жамоадошларига ибрат бўлаётган сафдошларимиз кўп. Эл саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб келаётган ҳамшира Дилбар Бекжўраева ҳам Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ана шундай фаолларидан биридир.

ОИЛАДА ҲАМ, ЖАМИЯТДА ҲАМ ФАОЛ



Д. Бекжўраева шифохонада ҳамшира бўлиб иш фаолиятини бошлаган 1985 йилдаёқ яхши мутахассис, ишчан ва билимдонлиги боис вилоят соғломликни сақлаш бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Мана, 28 йилдирки, Дилбар опа Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Беруний" кишлоқ врачлик пунктида кишлоқ ахли саломатлигини асраб-авайлашда шарафли ва масъулиятли касбини улуғлаб, эл эъзозига сазовор бўлиб келмоқда.

— Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул, деган ҳаётий ҳикмат амалий фаолиятимизда ўз аксини топган, муассасамиз томонидан болаларни хар хил юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари намунали олиб борилаётган. Бу эса тиббиёт ходимларидан жиддий масъулиятни талаб этади, — дейди Дилбар опа Бекжўраева. — Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, аёлларни фарзандлар саломатлигини асрашда эътиборли бўлишга ундаш билан бирга уларга туғруқлар оралиғини сақлаш, болани туғри оқватлантириш, шунингдек, кўкрак сути афзалликлари ҳақида батафсил тушунчалар берамиз. Зеро, дунёга келган хар бир фарзанд жамиятимизнинг бойлиги, оилалар қувончидир.

Мақсади, қизиқиши ва интилишлари Ўзбекистон "Адолат" СДП роляларига муштараклигини англаб, партияга аъзо бўлганимга етти йилдан ошди. Аслида "адолат" сўзининг ўзиёқ кишининг диққатини оҳанрабодай ўзига жалб этади. Адолатлик ғоясини рўёбга чиқариш, барчанинг қонун олдида тенглиги, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга бел боғлаган сиёсий куч сафиде шу юксак мақсадлар учун, оз бўлса-да, улдуш қўшаётганимдан мамнунман. Шу билан бирга, партияимизнинг жамиятда хотин-қизлар роли ва маконини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш масалаларини илгари суриши, тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган савий-харакатларида фаол иштирок этишга аҳд қилганман. Шу боис мақсадларим билан биргалликда партияимиз дастурий роляларини ҳаётга татбиқ этиш, оналар ва болалар саломатлигини асраш йўлида сиёсий куч аъзосига хос қатъият ва шижоат билан меҳнат қилмоқдамиз.

Фидойи сафдошимиз партиянинг туманда ўтказилаётган тарғибот тадбирларининг ташаббускорлари қаторида ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб келмоқда. "Оила маънавиятини таъминлашда замонавий аёлнинг етакчилик роли: аёл, оила ва жамият", "Йўлларни асрайлик", "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифамиздир", "Бизнинг мақсадимиз — адолатли фуқаролик жамияти", "Соғлом бола — келажак пойдевори", "Мустақам ва соғлом оилани барпо этишда ота-оналарнинг етакчи роли" каби тадбирларда тиббиёт ходими ва партия фаоли сифатида асосли ва барчага тушунарли маърузалар билан тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирини ва самарали ўтказилишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Соғлом она ва бола йилда хар бир тиббиёт ходимининг зиммасидаги масъулият янада кўчиди. Шубҳасиз, соғлом боланинг дунёга келиши, аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ. Албатта, аёлларни турли касалликлардан химоя қилиш, оиладаги маънавий муҳитни яхшилаш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг замонавий билим ва касбухоналарни эгаллашга ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг олдини олишга барча бирдек ҳаракат қиломоғи лозим. Мухими, кенг қўламли тарғибот ишлари самара бериб, бу ҳаётий ҳақиқатларни одамлар чуқур англаб етмоқда.

— Азалдан аёл эзгулик, фидойилик тимсоли бўлиб келган. Келажак ворислари бўлган фарзандларини парвартириш, туғри тарбиялаш унинг муқаддас бурчидир, — дейди, "Беруний" кишлоқ врачлик пункти мудири Махмуд Очилов. — Оилада тарбияни туғри йўлга қўйган аёл жамиятда ҳам ўз вазифасини аъло даражада ундай олади, ишнинг мураккаблиги, қийинчилигидан чўчимайди. Дилбар Бекжўраева ҳам ана шундай оилапарвар, касбига чин кўнглидан меҳр қўйган аёллардан. Шу ўрнида айтиш жоизки, Дилбар опа Бекжўраева умр йўлдоши Жумабой Бекжўраев билан туғри фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди, касб-корли қилишди. Қизлари — Саодат ва Нилуфар она издан бориб, тиббиёт соҳасини танлашди. Ўғиллари — Абдураим ва Шерали эл-юртимиз ризқ-рўзини қўпайтиришга ҳисса қўлиш мақсадида дехқончилик билан машғул бўлиб, хар йили пахта ва дон экинларидан юқори ҳосил олмақдалар. Қахрамонимизнинг хонадонига оналарнинг барча аъзолари "Адолат" партиясини танлашган.

Бугунги давр сиёсий партиялар фаоллари, етакчилари олдида қатор долзарб вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни замон талабига мос равишда амалга ошириш хар бир сафдошларимиздан шижоат, профессионал маҳорат, янгича ёндашувлар билан ишлашни тақозо этади. Сафимизда Дилбар она каби фидойи ва жонқуяр, давр билан ҳамнафақ аёллар сони ортаётганлиги партиявий ишларда муваффақиятларимиз салмонини ҳам оширади.

Улугбек СУЯРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Мирзаобод
туман кенгаши раиси

ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАР

ёш сафдошларимиз томонидан ишлаб чиқарилмоқда

► ПАРТИЯДОШИМИЗ ТАШАББУСИ


Ривожланган корхоналар фаолияти ҳақида сўз юритилганда кўпинча хорижий давлатлардан келтирилган ускуналар юқори натижаларга эришишда омил бўлаётгани таъкидланади.

Эндиликда истикболли лойиҳаларнинг йўлга қўйилиши билан бу борадаги янгиланишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Аниқроғи, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилаётган замонавий дастгоҳлар, тайёрланаётган импорт ўрини босувчи маҳсулотлар сифати ва замонавийлиги билан дунё бозорларида юқори баҳоланаётган. Хусусан, Андижон вилоятида "Адолат" СДП аъзолари амалга ошираётган ишлар ҳам алоҳида эътиборга лойик.

Партиядошимиз Назатилло Муҳаммадазизов раҳбарлигидаги "Бўз фарм" масъулиятли чекланган жамияти жамоаси ўз олдида юксак вазифани мақсад қилиб қўйган. Корхонанинг асосий фаолияти юқори технологиялар асосида сутни қайта ишлаш, фармацевтика маҳсулотлари ва турли шартблатлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган замонавий дастгоҳлар тайёрлашдан иборат. Корхона иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлганига йўқ, шунга қарамай, меҳнат жамоаси истеъмолчилар ишончини қозонишга эришди.

2015 йилда Бўз туманидаги фойдаланилмай турган бино таъмирланиб, керакли дастгоҳлар сотиб олинди. 8 турдаги ускуналар тайёрлаш ўзлаштирилди. Таълим муассасаларига бу ерда тайёрланган дастлабки ошхона жиҳозлари маъқул бўлди. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг сафи кенгайган сари ҳамкорлик қилувчилар кўпайди. Айниқса, сутни қайта ишлашни мини-завод ва мевалардан шартблат тайёрловчи турли дастгоҳларга бошқа вилоятлардан ҳам бузортмалар келиб туша бошлади.

— Илгари бундай ускуналар асосан Хитой ва Россия давлатларидан келтирилган, — дейди Назатилло Муҳаммадазизов. — Яратилган қулай ишбилармонлик шартини бизга куч бўлди. Қисқа вақтда сивовдан ўтиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган маҳсулотларимиз юқори сифати, қулай ва тежамкорлиги билан хорижийдан сира қолышмайди. Керакли деталларни тўла ўзимиз тайёрлаётганимиз учун нархи ҳам арзон. Бу нижозларимизни қониктирмоқда. Жамоада ишловчилар асосан ёшлар.



Уларни ишга қабул қилишда техникага қизиқиши, хорижий тилларни билиши ва яратувчилик қобилияти эътиборга олинади. Дунё тажрибасини ўрганиб бориш ва янгиланган иш йўлида таклифлар ишлаб чиқиб белгилашган. Қолаверса, улардан сингловлик талаб этилади. Шунинг натижасида хар бир ходим ўз ролялари билан маҳсулотларини янада тақомиллаштиришга ҳисса қўшмоқда. — Иш бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди чилангар Абдулмузиз Турсунов. — Хозирдан қизиқишимиз ортмоқда, қобилиятимиз сивовдан ўтказиш учун бу қулай имконият. Телевидение кўрсатувларида иختирочи тенгдошларимизнинг яратувчилигини кўриб, мен ҳам янги лойиҳалар устида ишлаяман.

Корхона ташкил этилган биринчи йилдаёқ 980 миллион сўмлик маҳсулот сотишга эришилди. Соф фойда ҳам кўпайди. Даромадининг асосий қисми янги лойиҳаларни йўлга қўйишга сарфланмоқда.

Утган йил "Агробанк"дан 118 миллион сўм кредит олинган. Жорий йилнинг ўтган даврида 170 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилганлигини хисобга олсак, молиявий кўмак самараси яққол кўриниб турибди. — Яқинда Латвия давлатидан ҳамкорликда ишловчи фармацевт олимлар корхонамизга таширф буурди, — дейди эндигина 20 ёшни қаршилаган И.Муҳаммадазизов. — "Бўз фарм" бренди остида ўзимиз яратган дастгоҳлар билан дори-дармонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун керакли тавсияларни олдиқ, ишнингизни режалаштирдик. Соғлом она ва бола йилда бу режамизни амалга ошириш билан халқимизга муносиб совға ҳади этамиз.

Бўзлик иланувчан ёш "адолатчи"лар яратётган техника воситаларини хавас қилишга эришди. Уларнинг қулайлигини миқозлар бирдек эътироф этаётгани бежиз эмас. Энг асосийси, янгиланган қанот ёмоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири.
А.ТОШМАТОВ олган сурат

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ —

фаолиятимизнинг асосий мақсади

➤ АДЛИЯ МИНБАРИ

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда қатта ютуқларни қўлга киритди. Бугун Ўзбекистон барқарор ривожланиб, фуқаролар турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин тасдиқлаган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу декларацияга Ўзбекистон 1991 йил 30 сентябрда қўшилган.

Шунингдек, миллий қонунчиликнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар асосида такомиллаштирилиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўйича давлат механизмларининг яратилиши ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ҳаракатланиб бораётганидан далил беради.

Фикримиз далили сифатида шунга келтириб ўтиш жоизки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари, яъни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташкил этилди.

Шунингдек, адлия органларининг Асосий қонунимизда мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда улар бузилишининг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар қўллашга йўналтирилган фаолияти юқоридаги фикримизга яққол исол бўла олади.

Бинобарин, Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2016 йилнинг 1-чораги давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қўйилган ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2016 йил 1 апрелига қадар бошқармага фуқаролардан жами 221 та шикоят келиб тушган бўлиб, шундан 93 таси

беvosита ўрганиб чиқилиб, ушбу шикоятларнинг 43 таси қаноатлантирилди, 50 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Жумладан, бошқарманинг 2016 йил 1-ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига асосан Шахрисабз, Яқкабоб ва Қарши туман ҳокимликларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир қонун ҳужжатлари ҳамда Меҳнат кодекси талабларига риоя этилиши ҳолати, шунингдек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши аҳоли ўрганиб чиқилди.

Туман ҳокимликларида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан киритилган тақдирномалар асосида Шахрисабз туман ҳокимлигининг 2 нафар, Қарши туман ҳокимлигининг 2 нафар ходимига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-бандига асосан “хайфсан” интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Бундан ташқари, бошқармага келиб тушган мурожаатларни ўрганиб чиқиш натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилиши таъминланиб келинмоқда.

Мисол учун, бошқарма томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2016 йилнинг 1-чораги давомида тегишли судларга жами 33 та, яъни 47 735 400 сўмлик даъво аризалари киритилган бўлиб, уларнинг 27 таси, яъни 257 489 900 сўмлик даъво аризалари бугунги кунда қаноатлантирилди.



Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи Худоев Жўраевнинг “Нахшаб Агротранс” масъулияти чекланган жамияти директори иш ҳақи тўламасдан келадиганлигидан норози бўлиб ёзган шикоятни ўрганиб чиқилиб, ўрганиш натижасига кўра, “Нахшаб Агротранс” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 2.837.304 сўм иш ҳақи ва 500.000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туман судининг ҳал қилув қарори билан адлия бошқармасининг даъвоси қаноатлантирилиб, фуқаро Х.Жўраев фойдасига МЧЖ ҳисобидан 2.837.304 сўм иш ҳақи ва 500 000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

Шунингдек, Қосон туманидаги “Шахрисабз” кишлоғида яшовчи фуқаро Ж.Абдуллаевнинг Қарши шаҳар “Сувоқова” филиали ҳисобидан 918.130 сўм иш ҳақи ва 200.000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги аризасини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича фуқаролик ишлари бўйича Қарши туман судига даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, маъмур аризани ўрганиб чиқиш натижалари бўйича аниқланган бошқармаси томонидан Қашқадарё вилояти “Сувоқова” ҳудудий бошқармасига қарашли Қарши шаҳар “Сувоқова” филиали томонидан яна 32 нафар ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари

тўланмасдан келинаётганлиги аниқланиб, натижалар юзасидан уларнинг қонуний манфаатларини қўллаб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туман судига 47.735.400 сўмлик иш ҳақларини ундириш бўйича 32 та даъво аризалари киритилди.

Шу билан бир қаторда, бошқарманинг 2016 йил 1-ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига асосан Шахрисабз, Яқкабоб ва Қарши туман ҳокимликлари, шунингдек, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ва унинг тизимидаги 13 та бўлимларида ўтказилган ўрганишлар натижасида жами 1998 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш юзасидан 21 та тақдирнома, 14 та маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф ҳамда 6 та огоҳномалар киритилди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 51 нафар айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 1 нафари эғаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Масалан, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 14 та тақдирнома ва 11 нафар ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси билан

маъмурий иш қўзғатиш ҳақида тегишли идораларга таклиф киритилди.

Қўрилган таъсир чоралари натижасида Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлимларининг 40 нафар ходимига нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шундан кўриш мумкинки, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик, албатта, жавобгарликка сабаб бўлади.

Бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида бошқарма ва унинг тизимидаги ходимлар томонидан жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни янада ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинишини ташкил этиш борасида бир қатор ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бошқарма томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида, яъни “Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият”, “Инсон ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида”, “Бола ҳуқуқлари қаролатлар”, “Воёга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш”, “Ишга қабул қилинишда энг кичик ёш”, “Таълим олиш ҳуқуқининг давлатимиз томонидан қаролатилиши”, “Ўсимир. Қонун. Оила” мавзуларида 2016 йил 1-чораги давомида 561 марта ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Жойларда жами 482 марта озаки ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилган бўлиб, ушбу тадбирларда жами 22455 нафар тингловчилар қамраб олинди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида дадил одимлар экан, бу йўлда қонунга иттиқдорлик асосий мезон ҳисобланади.

Шухрат ҚўЧҚАРОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Хуқуқий масалаҳат

Шартнома пулини тўлолмас...

— Агар талаба шартнома пулини тўлашга қийналса, олий таълим муассасаси томонидан имтиёз берилиши назарда тутилмади?

А.Турғунбаев,
Тошкент шаҳри

— Тўлов-контракт асосида ўқиш ихтиёрий бўлиб, тегишли меъдрий ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур талаблар талабаларга олий таълим муассасаси томонидан тўлов шартларини енгиллаштириш бўйича имтиёзлар бериш кўзда тутилмаган. Айни пайтда талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқиши учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан бири бу “таълим кредити” дур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юрталарида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги 318-сонли қарорига асосан банк муассасалари томонидан тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга берилган “таълим кредит”лари жуда ҳам қулай ва самарали ҳисобланади.

Ушбу қарорнинг 3-бандига асосан: — чин етишлар, “Меҳрибонлик уйлари” да тарбияланганлар ҳамда I ва II гуруҳ номиронлари учун — фойсиз таълим кредитлари берилди;

— кам таъминланган оилада воёга етган талабалар учун кредит бўйича қўйилган фойзаларнинг 50 фоизи туман Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан “Иш билан таъминлашга қўмақлашиш давлат жамғармаси” маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрталарида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 24,15-сонли қарорига асосан 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг солиқ солимагани иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрталарида таълим олишга (ўзининг ўқиши ёки йигирма олтми ёшга тўлган фарзандларининг таълим олиши учун) йўналтириладиган суммаларга жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи солинмади.

Шу билан бир қаторда, сиз ҳоимийлик кўрсатиши мумкин бўлган қорхона ва ташиқотларга ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга сиз.

Саволга жавоб www.edu.uz дон олинди.

— 10 йиллик никоҳимиз давомида фарзанд кўрмади. Энди ўзаро розилигимиз асосида никоҳни беқор қилмоқчимиз. Бу борада қаерга мурожаат этсак бўлади?

П.Самадова,
Деҳқонобод тумани

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 42-моддасига асосан “Воёга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратилганга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилди”.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг бирерликоғи умумий мулк бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли”.

Саволга Деҳқонобод туман ФХД бўлими мудир Ж.РАҲМАТИЛЛАЕВ жавоб берди.

— Автомобилимни бошқа инсонга бошқаришга рухсат берувчи ишончнома тасдиқлатмоқчи эдим. Бундай ишончномаларни нотариал тартибда тасдиқлашда қанча миқдорда давлат божи ундирилади?

З.Жумаева,
Бухоро шаҳри

— Ҳаммамизда маълумки, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, 18 ёшга тўлмаган шахсларга автомобил транспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари ишончномаларини расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарорига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, автомобил транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 2008 йил 1 декабрдан бошлаб, автомобил транспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган гербли (маҳсус) бланкада расмийлаштирилади. Агар ишончнома биттадан ортиқ ишончли вакилга берилган тақдирда, у ишончли шахслар соҳи бўйича гербли бланкаларда расмийлаштирилади ва ҳар бир гербли бланка учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда герб йиғими ундирилади.

Шунингдек, яқин қариндошларга автомобил транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишончномаларни нотариал тасдиқлаш чоғида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда, бошқа шахсларга эса автомобил транспорт воситаларидан фойдаланиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, тасарруф қилиш билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришда ўн баравари миқдорда давлат божи ундирилади. Яқин қариндошлар ўртасида бу турдаги ишончномаларни расмийлаштиришда қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар (туғилганлик гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қабили) нотариусга тақдим қилиниши лозим.

Саволга Қорақўл туман 1-сон ДНИ нотариуси Алишер БАҲРОМОВ жавоб берди.

➤ ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик — жамият тараққиётининг муҳим омил” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

ТИНЧЛИК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Унда Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлари мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Институт ректори Б.Сайфуллаев ва бошқалар тинчлик-осойишталик мамлакатимизда эриштириладиган барча ютуқ ва марраларнинг асоси, бу бетахот неъматнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга ҳар бир юртдошимиз масъул эканини таъкидлади.

Депутатлар бугунги глобаллашув даврида содир бўлаётган маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларига жавобан ёшлар ўз мустақил фикрига эга бўлиши, мамлакатимизда амалга ошириладиган бунёдкорлик, барча соҳада қўлга киритилаётган муваффақиятларга теран кўз билан қараши ва уни кенг тарғиб қилиши зарурлиги хусусида гапирди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ислохотлар, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, уларнинг мамлакатимизни янада ривожлантириш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди.

Ёшлар ўзларини кизиктирган саволларга депутатлар ва мутахассислардан жавоб олди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

“ОҚ АЖАЛ”НИНГ

қора кулфати...

➤ ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Инсониятнинг бугуни ва келажигага хавф туғдираётган трансмиллий жиноятчилик турларидан бири — наркотик моддалар савдоси ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, бугун ер юзюда бир йил давомида наркобизнесда айланаётган ноқонуний пул маблағлари ўртача 800 миллиард АҚШ долларига тенг бўлмоқда.

Дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар 8 одамнинг бири тўйиб овқатланмаётган, 30 фондан зиёди эса тўлақонли равишда овқатланмаслик, организмда энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечириётган бир пайтда наркотик моддаларнинг зарари ва уни истезъом қилишнинг оқибати ҳақида бот-бот тарғиб қилинишига қарамай, айрим кимсалар шу маблағларни эҳтиёжманд инсонларнинг озик-овқат, кийим-кечак, турар жой, таълим олишлари ва тиббий хизматларига сарфлаш ўрнига, бу захри қотилни сотиши, ундан ҳам ёмони истезъом қилишнинг оқибат бўлмади.

Гийҳванд моддалар инсоният учун энг ижтимоий хавфли ва оғир оқибатларга олиб келадиган оғатлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Бироқ, афсуски, энгил пул топши, осон бойлик орттириш нияти ҳазораслик Руслам Юнусов, Нозима Дарвишова, Шоҳида Сафарбоеваларини (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу нотўғри йўлдан кайтара олмади.

Воқеа қуйидагича рўй берган эди. Олди-сотди ишлари билан шуғулланиб келатган, дўқонлари ҳам ёнма-ён бўлган синфдош аёлларнинг ўзаро суҳбат бу гап тез ва осонгина кўп пул топиш мавзусида бўлди.


— Савдониям баракаси йўқ. Устига-устак харидор кам, — дея нолиди Нозима Дарвишова.

Ҳаразли режасини ҳаёлида ишнатиб, ишончли шерик топа олмай юрган Шоҳида бу фурсатни қўлдан бой бергиси келмай, Нозимани аврашга тушди: — Дугонажон, бунинг осонгина йўли бор, фақат менинг айтганимни қилсанг бўлди.

— Қандай йўл экан? — қизиқиб сўради Нозима.

— Ерга қўйилган хазинам бор. Уни сотишга ёрдамлашсанг, бойиб кетамиз. Хозир шовиб тургандим. Қун ҳам кеч бўлиб қолди. Эртага кўриганимизда батафсил айтман. Келишдикми?

Нозима эртани интизорлик билан кутди. Дугонасининг кўнгируви уни севинтирди. Шоша-пиша телефон гўшагини кўтарди. Уйига таклиф қилди ва меҳмонни кута бошлади. Шоҳида ҳам уни узоқ куттирмади. Уйига кириб, бир пиёла чай устида суҳбатлашаётган пайтда меҳ-



мон ўз “совға”сини мезонга узатди.

— Қуруқ келмай дедимда. Танишларингизга тезроқ ўтказ. Менга ўзим айтган нархни берсанг бўлди. Фойдаси сенки. Фақат тезроқ сот, қўлингизда кўп ушлаб ўтирма, — дея хайрлашиб, тезда уйдан чиқди.

Нозима эса қўлидаги “героин” гийҳвандик моддасига тезроқ харидор топиши керак эди. Шу мақсадда кайноғаси Рустам Юнусов билан гаплашди. У эса харидор топишини айтиб, танишбилшларига қўнғирок қўла бошлайди. Харидор ҳам узоқ куттирмай, топила қолди. У билан учрашув куни ва жойини белгилаб, айтилган вақтда 11 граммдан зиёд овирликда бўлган “героин” гийҳ-

вандик моддасини пуллашга ҳаракат қилди. Келишилган пулни қўлга ушлашга ушладу-ю, қувончи узоққа чўзилмади. Ички ишлар ходимлари ёнига келиб, ўзларини таништириши билан режаси барбод бўлганини тушуниб етди.

Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг адолатли ҳукми бу жиноий гуруҳнинг фаолиятига нукта қўйди. Ҳукмга биноан Рустам Юнусов 8 йилга, Нозима Дарвишова 10 йил 6 ойга, Шоҳида Сафарбоева 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Қингир ишнинг оқибати шу. Бошқача яқун топиши ҳам мумкин эмас.

Наргиза БҮРОНОВА,
журналист


ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИШЛАНМАЛАР намойиш этилди

Давоми. Бошланғичи 1-бегда

Бу инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида намойиш этилаётган янгиликларнинг 130 таси санат, 116 таси қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилган. 130 дан зиёд ишланма ва илғор технологиялар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика учун мўлжалланган, 89 таси ахборот технологиялари, яна 34 таси илм-фан ва таълим соҳасидаги янги дастурий маҳсулотлардир.

Ярмаркада ёш олимлар ва талабаларнинг стендлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ёш дизайнерларнинг тақдироти ҳамда "Робот-шоу" алоҳида эътирофга сабаб бўлди.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фа-



олиятида очиклик, шаффофликни таъминлаш масаласига ҳақ даражада эътибор қаратилмоқда, — дейди "Unicon" фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ходими Хуршид Мирзаахмедов. — Бу жараёнда бизнинг марказимиз

ташкilotлар учун турли инте-рактив хизматларни ишга тушириш, электрон ракамли имзо, электрон ҳужжат айланиши ва бошқа йўналишлар бўйича қўлаб ишланмалар, дастурларни ишлаб чиқишда фаоллиқни қўлдан бой берма-

япти, амалиётда татбиқ этилиши учун давлат ва нодавлат, жамоат ташкilotлари билан шартномалар имзоланмоқда. Масалан, сўнги ишланмаларимиздан бири — "E-ijro" дастурининг фойдаланувчилари тез фурсатда ортиб кетди. 5 мингдан ортиқ ташкilot ва идораларда қўлланилаётган мазкур дастур идоралараро ҳужжат айланишини янада тизимлаштириш, шаффофлаштиришга хизмат қилади. Хусусан, дастур ташкilotнинг маъмурияти томонидан бошқарма ёки бўлимларга муайян вазифа юклатилгани ва унинг ижросига оид жараёнларнинг кечилиши назорат қилиш имкониятини беради. Ўрни келганда айтиш керак, бу каби ярмарка, кўргазмалар биз, тадқиқотчилар учун маҳсулот ёки хизматимизни кенг намойиш қилиш, бозор талабини ўрганиш ва бошқа изланувчилар, олимлар билан тажриба

алмашишимиз учун кенг майдон сифатида хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шу пайтга қадар ўтказилган 8 та инновацион ярмаркада 3900 га яқин инновацион ғоя ва технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 112,6 миллиард сўмлик 3,1 мингдан ортиқ шартнома имзоланган эди. Мазкур шартномаларнинг амалга оширилиши натижасида 59 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, 55 турдаги тажриба намуналари тайёрланиб, 100 дан ортиқ ташкilot, корхона ва фермер хўжалигига илмий-техник ёрдам кўрсатилган.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Суратларда: ярмарка фаолиятдан лавҳалар. Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар



ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИ АМАЛДА

Давоми. Бошланғичи 1-бегда

Таъкидланганидек, адолатлилик ғояси, барчанинг қонуни олдига тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, "Адолат — қонуни устуворлигида" тамойилини амалиётга янада кенг жорий этиш "Адолат" СДПнинг устувор вазифаларидан саналади. Партиянинг Сайловолди дастурида белгилаб қўйилганидек, партия жамаиятининг шаклланиши ва демократлашувининг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчилик билан таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимияти ҳамда адвокатура фаолияти мустақиллигини мустақамлашга йўналтирилган қонуларнинг ташаббускори бўлмоқда ва уларни қўллаб-қувватламоқда.

Партиянинг ҳудудий тузилмалари жойларда кенг жамоатчилик ва аҳоли билан яқиндан иш олиб бориб, дастурий ғояларимизни кенг тартиб етаяпти. Партиямиз сафарли кенгайиб, хайрихоҳлар қўлайида, натижада сиёсий кучнинг таянчига айланган БПТлар сони йил сайин ошириб бормоқда. Жумладан, биргина Ўртачирчиқ туманида бу йил учта янги БПТ ташкил этилди. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан ишлаётган 21 нафар мураббий "Адолат" СДПни танлаб, партига аъзо бўлдилар. "Ангор" ҚФЙга қарашли "Ўрта овул" маҳалласида ташкил этилган бошланғич партия ташкilotига 13 нафар сафдошимиз бирлашди. Хотира ва кадрлар кўни арафасида "Адолат" маҳалласида 12 нафар партиядошимизни бирлаштирган янги БПТ ўз фаолиятини бошлади.

Эндиликда Ўртачирчиқ туманида партиямизнинг 28 та қўйи бўлини иш олиб бормоқда. Уларда 700 нафардан зиёд маслаҳатчимиз самарали фаолият кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Қонуничилик палатаси депутати Людмила Кошелова "Электротар манфаатларини рўйбога чиқаришда қўйи бўлини ҳал қилувчи кучдир" мавзусидаги



маърузасида бошланғич партия ташкilotларининг "Адолат" СДП фаолиятида тутган ўрни, БПТлар ҳудудларини янада ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини рўйбога чиқариш, жойларда мавжуд масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатаётганлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Таъкидланганидек, БПТ аъзоларининг ишчанлиги, ҳамжихатлиги, долзарб масалаларда ҳозиржавоблиги, зиммасидаги бурч ва масъулиятга муносиб равишда партиявий ишларни бажара олиши муҳим аҳамиятга эгадир. Биз бошланғич партия ташкilotига фақатгина аъзоларни бирлаштирувчи, аъзолик бадалларини тўловчи, тадбирларни ташкил этувчи тузилма сифатида қарамадан, балки унга партиянинг ғоялари, максалларини рўйбога чиқараётган асосий куч, жамят ҳаёти, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳолис ва адолатли муносабат билдираётган фаол тузилма сифатида муносабатда бўлмоғимиз зарур. Шу билан бирга, бошланғич ташкilotларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, БПТ етакчилигининг сиёсий билими, малакасини ошириш, партиянинг барча тузилмалари ва БПТлар ўртасида ҳамкорлик, жонли мулоқотни кучайтириш, қўйи бўлиларнинг бир-бирларига қўмақлашишлари, тажриба алмашувини ҳам янада жонлантиришимиз керак.

Давра суҳбатида Ташкент вилояти прокурори катта ёрдамчиси Дилшод Исмоилов "Тинчликни асраш ва оғоҳлик — давр талаби", вилоят ИИБ бўлими бошлиғи Эркин Қулахмедов "Ахборотлашган жамятда ёшларнинг ўрни ва бурчи", халқ депутатлари Ташкент вилояти Кенгаши депутати Умид Шоумаров "Тинчлик ва осийишталик — энг олий неъмат" мавзусидаги маърузалари билан бутунги куннинг долзарб масалаларига йирилганларнинг эътиборини қаратишди.

Тадбир кизиқарли аъвол-жавобларга бой тарзда ўтди. "Адолат" маҳалласида истикомат қилаётган 12 нафар янги сафдошимизга аъзолик билетлари топширилди.

Партия ташаббуси билан ташкил этилган мазкур давра суҳбатининг иккинчи қисми 9 май — Хотира ва кадрлар кўнига бағишланган маданий-маърифий тадбирга улашиб кетди. Шу муносабат билан Тўйгепа шаҳридаги "Адхам саҳоба" зиёратгоҳида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ўтказилиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Тумандаги қатор ташкilotлар ва партия депутатлари ҳомийлигида уларга байрам совғалари топширилди.

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» инжиниринг компанияси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлари номи:

ЛОТ — 32.

ЛОТ - 32.1. «Фарғона вилояти Қўштепа тумани Лангар ҚФЙдаги 8-сонли болалар боғчаси биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 712 995 559 сўм ҚҚС билан; 594 162 966 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 32.2. «Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 37-сонли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 949 757 514 сўм ҚҚС билан; 791 464 595 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 32.3. «Фарғона вилояти Сўх туманидаги 15-сонли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 608 204 742 сўм ҚҚС билан; 506 837 285 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ — 33

ЛОТ - 33.1. «Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 12-сонли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 540 310 246 сўм ҚҚС билан; 450 258 538 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 33.2. «Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 13-сонли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 605 406 398 сўм ҚҚС билан; 504 505 332 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 33.3. «Фарғона вилояти Риптон тумани Зоҳидон ҚФЙ Зоҳидон қишлоғи А.Навоий кўчасидаги 10-сонли болалар боғчаси биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 594 334 412 сўм ҚҚС билан; 495 278 677 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 33.4. «Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 12-сонли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 577 741 880 сўм ҚҚС билан; 481 451 567 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ — 34.

ЛОТ - 34.1. «Фарғона вилояти Қўштепа тумани Файз ҚФЙдаги 2-сонли болалар боғчаси биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 610 930 361 сўм ҚҚС билан; 509 108 634 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 34.2. «Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 1-сонли 140 ўринли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 659 379 678 сўм ҚҚС билан; 549 483 065 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 34.3. «Фарғона вилояти Кува тумани Дўстлик МФЙ Саҳоват кўчасидаги 53-сонли болалар боғча биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 458 845 373 сўм ҚҚС билан; 382 371 144 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ — 35.

ЛОТ - 35.1. «Фарғона вилояти Ёзёнов тумани Қорасоқол ҚФЙдаги 4-сонли болалар боғчаси биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 578 169 281 сўм ҚҚС билан; 481 807 734 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 35.2. «Фарғона вилояти Кува тумани Турквотот ҚФЙдаги 24-сонли болалар боғчаси биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 540 964 009 сўм ҚҚС билан; 450 803 341 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 35.3. «Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 37-сонли 190 ўринли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 740 893 142 сўм ҚҚС билан; 617 410 952 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ — 36

ЛОТ - 36.1. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 51-сонли 220 ўринли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 747 707 727 сўм ҚҚС билан; 623 089 773 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ - 36.2. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Янги Аср кўчасидаги 49-сонли 220 ўринли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 884 661 021 сўм ҚҚС билан; 737 217 518 сўм ҚҚСсиз.

Юқоридagi объектларнинг топшириш муддати: 01.09.2016 йил.

Манзил: Фарғона шаҳар Темиров кўчаси 37-уй,

тел. (0 595) -401-52-05, 401-52-01.

Мукамал таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Мукамал таъмирлаш объектлари бўйича кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 100%.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкilotлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкilot ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак:

Ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қуриш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маъмуриятимиз ва чет эл қурилиш ташкilotлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда маъмуриятимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонуни ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматларни) импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкilotчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй,

телефон/факс: 373-244-68-90, 998-98-276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкilotчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин(куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади)

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН КАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2016 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган куйидаги объект бўйича пудратчи ташкilotни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот - 32. «Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги тиббиёт бирлашмаси (1-босқич)ни ва сменада 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиникани реконструкция қилиш»

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 2 987 375 520 сўм (ҚҚС билан), 2 489 479 600 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тутатиш муддати — 2016 йил 1 декабрь.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Марказлаштирилган капитал қўйималар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдосида фақатгина қурилиш-пудрат ташкilotлари Реестрга киритилган пудратчи ташкilotлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоси ташкilotчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 5-уй.

Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкilotлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишланганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкilotлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда маъмуриятимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонуни ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматларни) импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкilotчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкilotчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкilotчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши куну ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Тақлифлар (оферталар) очилишининг аниқ куну ва соати талабгор пудратчи ташкilotларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкilotчиси томонидан маълум қилинади.

Reklama

«GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

АТ "Алоқабанк" Бухоро филиалининг 05.05.2016 йилдаги №33-10-11/939-сонли буюртма хатига асосан филиалга тегишли бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 80/054 VAA бўлган «NEXIA» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 14 июнь куну соат 11:00 да "Global Savdo Fayz Buxara" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридagi автотранспорт воситаси 2016 йил 14 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 30 июнь куну соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкilotчиси билан тузилмадан закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини "Global Savdo Fayz Buxara" МЧЖнинг ЧЭКИ "Савдогар банк" Бухоро филиалидаги х/р: 20208000505017774001, МФО: 00112, ИИН: 302485226 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 12-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.

Хизматлар лицензияланган

ХОТИРА

Хаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг қилган меҳнати, қолдирган эзи вақт билан эмас, балки эл-юртга келтирган нафи, беминнат хизмати билан ўлчанади.

УМР МАНЗАРАЛАРИ

Жиззах, Сирдарё воҳасида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш орқали ўзига хайкал қўйган эллардан бири Эргаш Холматовдир.

Албатта, Эргаш Холматов хаёти мобайнида жуда кўп муваффақиятларга эришди. Аммо бу муваффақиятлар осонлик билан қўлга киритилмади.

Ўтган аср қаҳрамони умр манзилларида жуда кўп зарбаларни қабул қилди ва хар сафар ўз кучига, эртанги кунга ишонч туфайли ғалаба қозонди.

Лекин Эргаш Холматов ҳеч қачон омадсизлик қурбон бўлмади, хали яхши кунлар олдидан деган умид билан яшади.

1946-1948 йилларда олий мактабда сабоқ олди. Пойтахтдан Самарқандга келиб, вилоят кўмитасида тажриба орттирди.

Баъзан биз, журналистлар қаҳрамонини эришган муваффақиятларини кетма-кет санаб орқали ҳамду сано айтишга интиламиз.

Бундай муваффақият билан Эргаш акани табриклаганлар кўп бўлди. Айниқса, 1941 йилда ўзи билан бирга жанг қилган қуролдош дўсти Виктордан келган телеграмма оловли жанглари

Бир куни Тошкентдан Самарқандга йўл олган интуристлар автобуси Пахтакорда тўхтади. Чўл бағрида "Самарқанд" номи билан аталган хўжалик борлигини тасодифан эшитиб қолишибди.

Самарқанд — дунё назаридаги шаҳар, — дебди у. — У, шойрона ибора билан айтганда, Ер юзининг сайқали. Биз бу билан фахрланамиз.

Бир қарашда ўша кунгача Эргаш Холматов фаолияти икки-уч одамнинг таржимаи ҳолини безайдиган даражада эди. Лекин қаҳрамонимиз бу билан қияфоланиб қолмади.

Эллик тўққиз ёшга тўлганда, Эргаш Холматов ўз турилган юрти Зоминга қайтди. Ким бўлиб дейсизми? Туманининг биринчи раҳбари вазифасига.

Эргаш Холматов деганда, хаётнинг хар қандай мураккаб саволига жавоб топадиган, ҳаминша эзу ва савобли ишларнинг тепасида турган, доно инсон намоён бўлади.

Шухрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

МОЛИЯВИЙ КЎМАҚДАН МАМНУН ТАДБИРКОРЛАР

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ўзбекистон иқтисодиёти юксак натижаларга эришишида молия муассасалари фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиздаги энг йирик молия муассасаларида бири — "Агробанк" акциядорлик-тижорат банки томонидан кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга қаратилган эътибор натижасида янги корхоналар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

ётган кредитлари салмоғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш ва мижозлар фаолияти ривожига туртки бўлаётган.

Райхон Мирзаева, Фузор туманида фаолият юритаётган яқка партиядаги тадбиркор:

— Қандолат маҳсулотлари тайёрлаш отабомиздан бизга мерос қолган. Уларнинг хунарларини давом эттириб, кам бўлмашиз йўқ. Элимиз дастурхонига турли ширинликлар етказиб бериб, даромадимиз ҳам ошапти.

Илҳом Нормуродов, Нишон туманидаги "EXTRIMAL SERVIS" МЧЖ раҳбари:

— "Агробанк" АТБнинг туманидаги филиалига аҳолига транспорт хизмати кўрсатишини яхшилаш мақсадида кредит сўраб мурожаат қилдик.

корликни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда. Ушбу банк бошқармаси томонидан турли тадбиркорлик субъектларини кредитлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Шу нуқтан назардан бошқарма жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажми ва сифатини оширишга муносиб хисса қўшиб келинаётир.

Олинган кредитга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий русумли автобуслар сотиб олдик. Ҳозирги кунда ушбу транспорт воситалари туман аҳолиси узувини яқин қилмоқда.

Тонтемир Жабборов, Касби туманидаги "Ризак келажак" фермер хўжалиги раҳбари:

— Мен ҳам юртимга ва оиламга фойдам тегиши учун фермерлик билан шуғулланиб келаяман. Анчадан бунён "Агробанк"нинг мижозиман. Жорий йилда банкдан қорвачиликни ривожлантириш учун, яъни зотдор моллар сотиб олишга 120 миллион сўм маблағ олдим.

Мухтасар айтганда, "Агробанк"нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан вилоятда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилётган ишлар халқимиз турмуш даражасини оширишга хизмат қилаётир.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги тобора яқинлашган сари бу шонли санана бағишланган тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёймоқда.

ЮРТГА МУНОСИБ фарзандлар бўламиз



Ўтган ҳафтада Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ана шу фестивал шодоналари ўтказилди.

Мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёзган бу фестивалда партиёлошларимиз ҳам фаол қатнашдилар. — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгашининг "Еш адолатчилар" қаноти фаоли Гулриъо Вақсовова.

Фестиваль катнашчиларини иборат тарғибот гуруҳлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиши. Масалан, Поп тумани ёшлари "Бу — менинг Ватаним" лойиҳасида иштирок этдилар.

Хунармандлар макони Чустда ҳам байрам шукухи меҳмонларни хурсандчилик ва очик чеҳра билан қутиб олинган бошланди.

Чуст қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежидида "Қамолот кутубхонаси" лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган фестивал Наманган шаҳридаги "Навбахор" стадионида танкили санъат усталари ва ёш истеъод эгаларининг ғала-концерти билан якунланди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Adolat» муҳбири

ASAKA BANK advertisement with logo, slogan '2016 йил — «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади: «СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»', and a list of branches with phone numbers.

МУАССИС: Бош муҳаррир: Исроил ҲАМРОЕВ
Тахрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Ганҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Қотибят — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

«Adolat»дан қўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Таҳририят маърузи: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй, info@adolatgzt.uz

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳаққи — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Ғ — 500. Адади — 9604. Боснига топшириш вақти — 20.35. Боснига топширилади — 21.40. Баҳарга келишидан нарҳра